БУГУНГИ СОНДА:

“Шаффоф қурилиш” коррупцияга тўсиқ бўлмоқда



2-бет

Шаҳрисабзда тиббиёт бирлашмаси биноси фойдаланишга топширилди



3-бет

Профессор-ўқитувчилар ўқувчилар даврасида



4-бет

Футбол майдони ва трибунали стадион



6-бет


# O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№ 22 (575)
2022 йил 29 март,
сешанба

uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
uzbunyodkori@umail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.


## ТИББИЁТ СОҲАСИДАГИ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 28 март куни соғлиқни сақлаш соҳасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари 18 март куни тиббиёт ходимлари билан очиқ мулоқот ўтказган эди. Унда айтилган муаммо ва таклифлар бўйича 24 март куни Президент фармойиши қабул қилиниб, еттита йўналишда вазифа ва масъуллар белгиланди.

Йиғилишда шу борада бошланган ишлар ва ойлик режалар кўриб чиқилди. Аввало, апрель ойида 1 миллион нафар хавф гуруҳига кирувчи аҳоли, 700 минг нафар бола ва 100 минг нафар ҳомиладор аёлларни мақсадли скринингдан ўтказиш зарурлиги қайд этилди.

Ҳар бир оилавий поликлиникада кундузги стационар, 400 та маҳаллада оилавий шифокорлик пункти, олис ҳудудларда контейнерлардан 1 минг 700 та тиббиёт пункти ташкил этишнинг аҳамияти таъкидлаб ўтилди.

Маҳаллабай тизимда ишлаб, сифатли тиббий хизматларни аҳолига яқинлаштириш, одамларни соғлом турмуш тарзига ўргатиш асосий вазифа қилиб қўйилди. Тўғри овқатланиш, жисмоний машқлар, касалликлар профилактикаси бўйича қўлланмалар ишлаб чиқиб, оилаларга тарқатиш муҳимлиги қайд этилди.

Тез тиббий ёрдам сифатини яхшилаш, олис ҳудудларда қўшимча бригадалар тузиш, бу тизимдаги анестезиолог ва реаниматологлар ойлик иш ҳақига устама бериш бўйича белгиланган вазифалар ижросига алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий йилда инвестиция дастури доирасида тиббиёт муассасаларини қуриш ва таъмирлаш ишларига бюджетдан 1 триллион 200 миллиард сўм ажратилган. Мутасаддиларга қурилиш ишларини жадаллаштириш, тиббий асбоб-ускуналарга техник хизмат кўрсатиш тизимини йўлга қўйиш бўйича топшириқлар берилди.

Очиқ мулоқотда республика ихтисослашган тиббиёт марказлари янги, юқори технологик даволаш усулларини йўлга қўйиши зарурлиги айтилган эди. Мисол учун, ҳар йили “оққон” касаллиги бўйича 200 нафаргача бемор илик кўчириш операциясига муҳтож. Гематология ва қон қуйиш илмий-амалий тиббиёт марказида замонавий шароит яратиш орқали ушбу амалиётни йўлга қўйиш мумкинлиги таъкидланди. Бундай ишларни барча тиббиёт марказларида ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлат шифохоналари ва хусусий тиббиёт ташкилотлари учун ягона тарифларни тасдиқлаш, хусусий клиникаларда ҳам йўлланма асосида тиббий хизмат кўрсатишни кенгайтириш вазифаси белгиланди.

Йиғилишда соҳа мутасаддилари, шифокорлар, ҳокимлар очиқ мулоқотда белгиланган вазифалар ижроси бўйича ахборот берди.

**ЎзА.**

## ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған 29-30 март кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Олий мартабали меҳмон ташриф доирасида олий даражадаги Ўзбекистон – Туркия стратегик шериклик кенгашининг иккинчи йиғилишида иштирок этади.

Ўзбекистон ва Туркия етакчилари ўтказадиган музокараларнинг кун тартибидан икки томонлама дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ўрин олган.

Асосий эътибор савдо, инвестициялар, инновациялар, саноат, логистика, туризм ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида қўшма кооперация лойиҳаларини илгари суриш, маданий-гуманитар алмашинув дастурларини амалга оширишга қаратилади.

Халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб жиҳатлари юзасидан фикр алмашилади.

Саммит якунида Қўшма баёнот ва қатор икки томонлама ҳужжатлар қабул қилиниши режалаштирилган.

**ЎзА.**

## АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДАГИ ЯНГИЛАНИШЛАР



**Жануб гавҳари саналган қадим Термиз шаҳри бугун замон билан ҳамнафас ўзгариб бормоқда. Бир-биридан баланд бинолар, муҳташам иншоотлар шаҳар кўркига кўрк қўшиш билан бирга, аҳоли турмуш фаровонлигининг юксалишига хизмат қилмоқда.**

Термиз шаҳридаги “Фаровон” массивида биргина ўтган 2021 йилнинг ўзида 2 та 7 қаватли, 126 хонадонли ва 5 та 9 қаватли, 564 хонадонли уй-жойлар қуриб фойдаланишга топширилди. Натижада, 690 оила янги уй-жойга эга бўлди.

Табиийки, аҳоли сонининг ошиши ҳудудда янги иш жойлари ташкил этиш ва хизмат кўрсатишни ривожлантиришни тақозо этади. Шу боис, янги қурилган кўп қаватли уй-жойларнинг пастки қаватлари савдо ва хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилмоқда. Хусусан, 690 та хонадон негизида 57 та савдо ва хизмат кўрсатиш нуқтаси ташкил этилиб, уларнинг ҳар бирида ўртача 5 тадан иш ўрни яратилмоқда.

Бунёдкорлик ишлари жорий йилда ҳам давом этиб, шаҳарнинг “Фаровон” массивида 27 та, “Тупроққўрғон” ва “Саховат” массивларида 38 та кўп қаватли турар-жой бинолари қурилмоқда.







Жонибек ҚЎЗИМУРОДОВ (ЎзА) олган суратлар.

## Мамлакатимизнинг иқтисодий ўсишида қурилиш материаллари саноати таянч йўналишлардан бирига айланади

**Жорий йилнинг 24-26 март кунлари биринчи Тошкент халқаро инвестиция форуми бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз барча соҳалари, хусусан, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси томонидан ҳам имкониятлар тақдим этилди.**

**“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Азизбек БАҲОДИРОВ пойтахтимизда ўтказилган ушбу форум ва унда эришилган натижалар хусусида ЎзА мухбири Насиба ЗИЁДУЛАЕВАга интервью берди.**

– Мазкур форум маҳаллий ва хорижлик иштирокчилар учун чин маънода катта мулоқот, ўзаро келишув ва музокаралар майдони бўлди, – деди А. Баҳодиров. – Албатта, биз мамлакатимиз қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган ишлар юзасидан маълумот бериш баробарида, хорижлик ишбилармонлар вакиллари имкониятлари билан ҳам танишдик.

Масалан, форум доирасида “Қурилиш ва қурилиш материаллари индустрияси” мавзуида ўтказилган учрашув бизга шундай майдонни яратиб берди. Унда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси, Халқаро молия корпорацияси (IFC) ҳамда қурилиш ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасидаги етакчи маҳаллий ва хорижий компаниялар вакиллари иштирок этди.

2-бет

## Назорат бор жойда қурилиш бенуқсон бўлади

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Беш йилдан ошяптики, республикамизнинг барча ҳудудларида замонавий кўп қаватли уйлар қурилиб, минглаб кишиларнинг орзу-ҳаваслари рўёбга чиқяпти. Бу саъй-ҳаракатлар Янги Ўзбекистонни қуришга қаратилган иккинчи беш йилликда ҳам изчил давом этмоқда. Жамиятимиздаги бошқа соҳаларда бўлгани сингари қурилиш соҳасининг ҳам ўзига хос талаб ва меъёрий ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, амалда татбиқ этилмоқда.**

2-бет

# “ШАФФОФ ҚУРИЛИШ” коррупцияга тўсиқ бўлмоқда

**Ислом ИБОДУЛЛА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.



**Ўлкамизнинг барча ҳудудларида бунёдкорлик шукуҳи уфурмоқда. Хусусан, Самарқанд вилоятида ҳам қурилиш-реконструкция ишлари қизғин давом этяпти. Айтиш жоизки, вилоятда мазкур қурилиш тартибларининг назорати ва сарҳисоби мутасаддиларнинг диққат марказида бўлмоқда. Яқинда вилоят Қурилиш бош бошқармаси томонидан 2022 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурининг дастлабки чоракдаги ижросига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.**

Маълумотда келтирилишича, вилоят бўйича дастурга киритилган янгидан бошланувчи 120 та объектдан 104 тасининг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланган, 16 тасида лойиҳа ишлаб чиқилмоқда. 82 та объектга экспертиза хулосалари берилган бўлса, 91 таси тендер савдоларини ўтказиш учун чиқарилган.

2022 йили вилоятда 151 та объектда қурилиш, реконструкция ва мукаммал таъмирлаш ишлари бажарилади. Умумий қиймати 1 триллион 206 миллиард 462,1 миллион сўмлик объектлар қурилиши учун 11 та буюртмачи ташкилот белгиланди.

– Қурилишларда шаҳарсозлик талаблари ва қурилиш меъёрларининг бажарилиши ҳамда сифат даражасини таъминлаш бўйича вилоят қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси инспекторлари “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимида ишлаш учун лозим даражадаги планшетлар билан таъминланган, – дейди вилоят бош архитектори вазифасини бажарувчи Сайфиддин Нарзиқулов. – Қурилиш объектларида инспекция томонидан мониторинг жараёнлари ушбу тизим доирасида онлайн режимда амалга оширилмоқда. Бу, ўз навбатида, текшириш жараёнларининг шаффофлигини таъминлашга ҳамда тизимда коррупция ҳолатларини олдини олишга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, давлат дастурлари ижроси устидан назоратни кучайтириш юзасидан 2021 йил 10 декабрда Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури ҳамда бошқа давлат дастурлари ижроси устидан назоратни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор билан Давлат дастурлари ижро этилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика штаби ҳамда ҳудудий ва туман, шаҳар штаблари ташкил этилди.

# Мамлакатимизнинг иқтисодий ўсишида қурилиш материаллари саноати таянч йўналишлардан бирига айланади

1-бет

Дунё ҳамжамиятида қурилиш соҳаси кишилар ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Айнан уй-жой ҳамда бино ва иншоотлар қурилиши иқтисодиётни ривожлантириш баробарида, инсонларга қулай яшаш шароити ҳозирлаб, уларга руҳий мадад, эстетик завқ-шавқ бағишлайди.

Мамлакатимизда қурилиш-бунёдкорлик ишлари кўлами шиддатли ривожланмоқда. Янги иншоотлар, янги ишлаб чиқариш объектлари ҳамда турар жой бинолари қурилиши кенг тус олиши қурилиш материалларига бўлган талабни оширмоқда. Шу боис давлатимиз раҳбари раҳнамолигида қурилиш материаллари индустриясини юксалтириш чора-тадбирлари янги босқичда тизимли йўлга қўйилди.

Ишбилармонлар учрашувида қурилиш соҳасидаги вазирлик ва идоралар вакиллари Ўзбекистонда бизнес ҳамкорлик имкониятлари ҳамда қурилиш соҳаси истиқболларини белгиловчи асосий омиллар хусусида фикр юритган бўлса, маҳаллий ва чет эллик тажрибали мутахассислар ўз бизнес фаолиятидаги салмоқли ютуқлар, истиқболдаги режалар ҳамда инвестициявий лойиҳаларининг асосий параметрлари ҳақида тақдимот намойиш этди.

Ўзбекистоннинг 2026 йилгача бўлган иқтисодий ўсиш мақсадларида қурилиш материаллари саноати таянч йўналишлардан бири ҳисобланади. Шунингдек, соҳанинг ялпи ички маҳсулотга қўшаётган бевосита ҳиссасини ҳисобга олиб, келгуси ўн йилда қурилиш материаллари соҳасидаги ислоҳотлар тармоқни жадал ривожлантириш ҳисобига унинг ички бозордаги рақобатбардошлигини ошириш ҳамда импорт ҳажмини босқичма-босқич қисқартириб боришга қаратилади. Бунда, албатта, каттаю кичик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш салмоқли натижалар бериши, шубҳасиз.

Маълумки, 2021 йил 30 апрелда Президентимиз раислигида ҳудудларда маҳаллий саноатни ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокамасига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳамда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 9 июндаги “Ҳудудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига мувофиқ, республика қурилиш материаллари саноатини ривожлантиришга қаратилган қатор ишлар амалга оширилди.

“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси ҳамда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ томонидан қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш бўйича кенгаш тузилди. 2021-2023 йиллар давомида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш мақсадида барча тижорат банклари билан биргаликда қиймати 5,7 миллиард долларлик 1348 та лойиҳа шакллантирилди. Маҳаллий саноат корхоналари учун профессионал кадрлар тайёрлаш мактаби яратилди ва 65 та маҳсулот тури бўйича амалий-услубий қўлланмалар ишлаб чиқилди.

Шунингдек, айни пайтда Туркиянинг етакчи “BCG” халқаро консалтинг компанияси мутахассислари билан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатини ривожлантиришга қаратилган 2030 йилгача Ўзбекистон Республикаси қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилмоқда.

Туркиянинг DEİK, “Dal Heavy Industries” ҳамда мамлакатимиздаги “Pergament Quality Exclusive”, “Shah Polan Cross-Sector Group”, “Murad Buildings” каби етакчи компаниялар иштирокидаги ишбилармонлик суҳбатида томонлар олдиндаги вазифаларни ҳал қилиш йўлларини муҳокама қилганлиги ҳам бундан далолатдир.

Айтиш жоизки, бозор эҳтиёжлари ва ишлаб чиқариш қувватларини мувозанатлаш, маҳсулот турлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, қувватларни ҳудудий жойлаштириш билан иқтисодий самарадорликни максимал даражада ошириш, минерал ва энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш зарурлигини талаб этади.

Шундан келиб чиқиб, қурилиш материаллари саноатини ривожлантиришнинг бирламчи вазифаси – мамлакатдаги мавжуд ресурс базадан самарали фойдаланган ҳолда иқтисодий ўсишнинг мақсадли суръатларини сақлаб қолиш ва бунда илғор технологияларни қўллаш, экспортни ривожлантириш устуворлик касб этиши ушбу халқаро форумда алоҳида қайд этилди.

Соҳани ривожлантиришда тўғридан-тўғри шартномалар тузиш имкониятини таъминлаш, давлат мақсадлари билан қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжни ҳисобга олиш ва янги қувватларни ишга туширишда бозор иштирокчиларининг мувофиқлаштириш механизмларини жорий қилиш, кенгайтирилган саноат зоналарини шакллантириш, саноат институтлари, шу жумладан, ўқув марказлари, лабораторияларни жойлаштиришда кенгайтирилган зоналарга устунлик бериш учун танланган ҳудудларда кичик саноат зоналарини барпо этиш, муқобил ёқилғи бўйича ишлаб чиқариш технологияларини жорий этиш имкониятларини жадаллаштириш каби масалалар ишбилармонлик учрашуви натижаси сифатида белгилаб олинди.

Ўйлаймизки, Тошкент халқаро инвестиция форуми ва унинг доирасида ташкил этилган “Қурилиш ва қурилиш материаллари индустрияси” мавзуидаги ишбилармонлар учрашуви иштирокчиларни ҳамкорликка чорлаб, келгусида яхши натижаларга эришишга пухта замин яратади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев биринчи Тошкент халқаро инвестиция форумининг очилиш маросимида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, “Ҳозирги замон бутун жаҳон иқтисодиёти рақамлаштириш жараёнига ўтаётган, “яшил” технологиялар ва инновацион тараққиёт ҳар қандай соҳа ва бизнес ривожи учун устувор аҳамият касб этаётган бир даврдир”.

# Назорат бор жойда қурилиш бенуқсон бўлади



1-бет

Ана шу талаблар ижросини таъминлаш ва қурилиш объектларида бажарилаётган ҳар бир ишни амалдаги қонунлар доирасида баҳолаб бориш жойлардаги назорат инспекциялари зиммасига юклатилган. Бу борада Қорақалпоғистон Республикасида ҳам кўплаб тадбирлар ўтказилаётгани қад ростлаётган янги иншоотларнинг талаб даражасида бўлишига ҳисса қўшяпти.

Айни пайтда инспекциянинг асосий фаолияти қурилиш ва шаҳарсозлик соҳасида назорат олиб боришга қаратилган бўлиб, жамоанинг соҳага йўналтирилган қонунларни амалда татбиқ қилиш юзасидан бажарган ишлари диққатга сазовордир. Жумладан, якунланган 2021 йил давомида инспекция томонидан Қорақалпоғистон Республикасида бунёд этилаётган 1 469 та объект рўйхатдан ўтказилган. Мазкур иншоотларда қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат ўрнатиш мақсадида инспекциянинг алоҳида буйруғи чиқарилиб, ижросини таъминлашга инспекторлар бириктирилди. Объектларда ўтказилган мониторинглар натижасида 11 095 та камчиликлар ҳамда хатоликлар бўйича 3 205 маротаба кўрсатмалар берилди.

Ана шу қурилиш объектлари қаторида Президентимизнинг 2020 йил 28 декабрдаги “2021-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4936-сонли қарорига асосан Қорақалпоғистон Республикаси ҳудуди бўйича жами 210 та объект қурилиши ҳамда реконструкцияси назарда тутилган бўлиб, ушбу объектларда ҳам 1 950 маротаба мониторинг ўтказилиб, улардаги ҳолат бўйича 897 бор кўрсатмалар тақдим қилинди. Инспекция мутахассисларининг кўрсатмаларини ўз муддатида бажармаслик ва қурилиш-монтаж ишларининг меъёрий талабларини бузиш ҳолатлари юзасидан 107 та ҳолатда, яъни, инспекцияга ўз вақтида хабарнома юбормасдан қурилиш-монтаж ишлари олиб борилган объектларнинг 26 тасига маъмурий ҳужжатлар расмийлаштирилиб, тегишли чоралар қўлланилди.

Бунёдкорлик ишларига қўйилган талабларга тўла амал қилган ҳамда юқоридаги қарор асосида рўйхатдан ўтказилган 209 та объектнинг 147 таси бугунги кунда фойдаланишга топширилган. Уларнинг 44 таси эса йилдан-йилга ўтувчи объектлар ҳисобланади ва қолган объектларда ҳам қурилиш-монтаж ишлари якунланиб, ён-атрофлари ободонлаштирилди, шу кунларда фойдаланишга қабул қилиш далолатномалари расмийлаштирилмоқда. Шулар баробарида, айни дамда буюртмачилар томонидан келиб тушаётган хабарномалар асосида 182 та объект инспекциянинг рўйхатига олинди. Мазкур объектлар юзасидан қурилиш иштирокчиларига 980 та кўрсатмалар тақдим қилинди. Ана шу кўрсатмаларнинг ижроси ўз вақтида таъминланмагани сабабли 62 та ҳолатда маъмурий баённомалар расмийлаштирилиб, жарима чоралари қўлланилди.

Шунингдек, инспекция ходимлари ўз хизмат фаолиятини суст олиб бораётган қурилиш ташкилотлари мутахассисларига нисбатан жами 7 та ҳолатда 1 та буюртмачи техник назорат мутахассисига, 5 та ҳолатда пудратчи ташкилот иш юритувчисига нисбатан, 1 та ҳолатда эса муаллифлик назорат мутахассисига тақдимномалар берилди.

“Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да Қорақалпоғистон Республикасида ҳам бунёдкорлик соҳасида улкан ишларни амалга ошириб, фуқароларни уй-жой билан таъминлашни изчил давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПҚ-98-сонли қарорига мувофиқ жорий йилда 122 та ижтимоий ва инфратузилма объектлари қурилиши назарда тутилди. Ҳозирги кунда мақсадга эришиш учун зарур чоралар кўриляпти. Энг аввало, инспекция фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар ишини замон талабларига мослаштириш учун синов-қурилиш лабораториясига ер ости майдони 210 квадрат метр, қурилиш ости майдони эса 102,7 квадрат метр бўлган нотурар жой биноси харид қилинди.

Ҳукуматимизнинг инспекция ходимларига яратиб бераётган шароитлари нафақат уларнинг ўз устиларида янада кўпроқ изланишлар қилишларига, балки бунёд этилаётган иморатларнинг сифат даражасини оширишда ҳам муҳим ўрин тутаётганини алоҳида эътироф этиш лозим.

# Йирик лойиҳа бўйича ишлар жадал боряпти

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Тошкентда бўлиб ўтган Халқаро инвестиция форумида халқимиз яна бир муҳим воқеанинг гувоҳи бўлди. Яъни, форум доирасида Сурхондарё вилоятининг Ангор туманида янги иссиқлик электр станцияси қурилишига тамал тоши қўйилди. Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 1 миллиард 200 миллион доллар бўлиб, унинг натижасида 1 минг 560 мегаватт қувват яратилади, йилига 12 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Лойиҳа доирасида энг замонавий технологиялар ўрнатилиб, йилига 1 миллиард куб метр табиий газ тежалади.**

Мақола аввалида ушбу мисолни келтиришимизнинг боиси шундаки, ўтаётган ислоҳотлардан нафақат фуқароларимиз, балки хорижий инвесторлар ҳам манфаатдор бўлишяпти. Сўзларимизнинг исботи сифатида Самарқанд вилоятининг Нуробод туманида франциялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда 100 МВ қувватга эга қуёш электр станцияси қурилаётганини мисол қилиш мумкин.

Айтиш керакки, мазкур қуёш электр станция юртимизда бунёд этилаётган иккинчисидир. Дастлабкиси Бирлашган Араб Амирликларининг “Masdar” компанияси томонидан Навоий вилоятида қурилиб, фойдаланишга топширилган. Ана шу хусусий қуёш электр станциянинг очилишида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2025 йилгача Ўзбекистонда камида 50 фоиз электр энергиясини хусусий электр станцияларда ишлаб чиқариш учун барча имкониятлар яратиб берилишини таъкидлаган эди. Ўшанда Энергетика вазири 2030 йилгача қўшимча электр қувватларини яратиш ҳисобига умумий ишлаб чиқариладиган электр энергияси ҳажми 25 фоизга етказилиши, электр энергиясини ишлаб чиқариш учун табиий газ сарфини бирмунча камайтиришни айтганди.

Нурободдаги қуёш электр станция давлатимиз раҳбарининг Франция Республикасига қилган ташрифи самарасидир. “Total Eren” компанияси умумий қиймати 100 миллион АҚШ долларига тенг инвестиция киритиб, айни пайтда қурилиш ишларини бошлаб юборган. Шуни ҳам айтиш керакки, қуёш электр станция қурилишига туманнинг дашт ҳудудида танлангани бежиз эмас. Аввало дашт ҳудуди текис ва йил давомида бу ерда қуёшли кунлар давомийлиги мавжуд. Шунингдек, танланган жой магистрал электр тармоқларига жуда яқин.

Айни пайтда қурилиш майдонида ишлар қизғин тус олган, франциялик мутахассис ўзи бошчилигида 400 дан зиёд маҳаллий ишчиларни ҳам жалб этган. Унинг эътироф этишича, станцияда ўрнатилаётган модуллар ноёб ҳисобланади. Хитойда ишлаб чиқарилган мазкур модуллар икки томонли бўлиб, олди ва орқаси ҳам ишлайди. Яъни, ҳар икки томони ҳам бир вақтнинг ўзида энергияни тўплайди. Модуллар трекерларга ўрнатилган бўлиб, улар қуёш ҳаракатига қараб бурилади. Панеллар эса ҳар 15 дақиқада бурилиб туради.

Шунингдек, станцияда қурилиши режалаштирилган 18 та нимстанция электр энергиясини тўплаш вазифасини бажаради ҳамда бош нимстанцияга узатади. У эса юқори вольтли нимстанцияга узатиб, кучланиш 220 киловаттга айлантирилгандан сўнг, республика магистрал тармоғига уланади. Замонавий қуёш электр станция 353 гектар майдонда бунёд этилмоқда. У тўла қувват билан ишга тушса, 100 мингта хонадонни электр энергияси билан таъминлайди.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, ушбу компания бундан аввал Қозоғистонда ҳам худди шундай қуёш электр станциясини қуриб фойдаланишга топширган. Шу сабабли юртимиздаги лойиҳани амалга оширишда қозоғистонлик мутахассислар ҳам қатнашишмоқда.

Бу, Самарқанд вилоятида қуриладиган қуёш электр станцияларининг биринчиси. 2023 йил якунига қадар Каттақўрғон туманида ҳам Бирлашган Араб Амирликларининг “Masdar” компанияси томонидан қуввати 220 МВ бўлган иккинчи йирик қуёш электр станцияси қурилиб, ишга туширилади. Унинг Нуроббоддагидан фарқи шундаки, электр энергиясини аккумуляторларга тўплаб, тунда ҳам истеъмолчиларга узата олиш қобилиятига эга бўлади.

Бир сўз билан айтганда, бошланган навбатдаги беш йиллик барча соҳалар кўламида янги даврни бошлаб берди. Халқимизнинг тинч ва фаровон, ҳеч кимдан кам бўлмай яшаши учун давлатимиз катта саъй-ҳаракатлар қилмоқда. Нурободда қурилаётган электр станция ҳам ана шу ҳаракатларнинг намунасидир.

# Кўмир қолдиқларидан қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади

**Абдулазиз МУСАЕВ,**
ЎзА мухбири.



**Пойтахтимизда ўтказилган Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида “Ангрен” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси ва Хитой Халқ Республикасининг “Beijing Triumph International Engineering Co. Ltd.” компанияси ҳамкорлигида йирик лойиҳага старт берилди.**

Хусусан, “Ангрен” ЭИЗ ҳудудида умумий қиймати 17,636 миллион долларлик “Юпқа минерал кукун ва автоклавланган газобетон блоклари ишлаб чиқариш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш юзасидан келишув имзоланди.

Тўлиқ тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокида 2022-2025 йилларда амалга оширилиши мўлжалланган лойиҳа доирасида жорий йилда 6 миллион доллар маблағ ўзлаштирилиши ҳисобига юпқа минерал кукун ишлаб чиқаришнинг биринчи босқичи ишга туширилади. Натижада 80 та иш ўрни яратилади.

Лойиҳанинг иккинчи ва учинчи босқичларида ўзлаштирилган инвестиция маблағлари ҳисобига автоклавланган газобетон блоклари ишлаб чиқаришни ишга тушириш режалаштирилган. Хусусан, йиллар давомида “Ангрен ИЭС” АЖдан чиқаётган фойдаланилмай келинган ёнган кўмир куллари ва қолдиқлари чуқур қайта ишланиб, цемент ва бетон маҳсулотлари учун қўшимча хомашё тайёрланади. Бу эса ушбу маҳсулотлар сифатини янада яхшилаш билан бир қаторда, уларнинг таннархи пасайишига хизмат қилади.

# 1 йилда 987 км электр узатиш тармоғи қурилди

**Отабек ХАЙЛАЕВ,**
“Сирдарё ҳудудий электр тармоқлари” АЖ матбуот котиби.

Президентимизнинг тегишли қарорлари ҳамда “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ томонидан ишлаб чиқилган манзилли дастур доирасида паст кучланишли электр тармоқлари ва трансформатор пунктларини модернизация-реконструкция қилиш мақсадида якунланган йилда 263 дона турли қувватдаги янги трансформатор замонавийлаштирилиб, айни пайтда вилоят аҳолисига сифатли электр энергияси етказиб берилмоқда. Мана шунинг ҳисобига вилоят ҳудудидаги 22 та оғир шароитдаги маҳаллаларнинг муаммоси ҳал бўлди.

Шу кунларда ҳам “Сирдарё ҳудудий электр тармоқлари” АЖ жамоаси томонидан ҳудудда кузатилган кучли шамол ва тинимсиз ёмғир оқибатида электр узатиш тармоқлари, трансформатор пунктларида келиб чиққан носозликлар бартараф этиляпти. Бундан ташқари, жамият қошида ташкил этилган ишчи гуруҳи маҳаллаларда ва хонадонларга кириб фуқароларнинг электр энергияси билан боғлиқ муаммоларини таҳлил қилиб, шу асосида тузатиш ҳамда янгилаш ишларини йўлга қўйишмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган давлат дастури ижросини таъминлаш юзасидан алоҳида йўриқнома ишлаб чиқилгани эса мақсадга эришишда ходимларга дастуриламал бўлмоқда.

Тошкент вилояти

# Экспорт салоҳияти янада ошмоқда

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида энг кўп ҳисса қўшиб келаётган вилоятлар ҳақида сўз кетганда, даставвал пойтахт вилоятини кўпчилик тилга олади. Зеро, бу эътироф бежизга эмас, чунки унинг ҳудудидаги барча шаҳар ва туманларда азалдан географик салоҳиятига мос кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари қатори саноат тармоқлари ҳам кенг ривожлангани маълум.**

Сўнгги беш йил оралиғида вилоятдаги мавжуд саноат ишлаб чиқариш корхоналари давлатимиз эътибори туфайли қайтадан реконструкция қилиниб, замонавий технологиялар ҳамда дастгоҳлар билан жиҳозланди. Мана шу жараёнда уларнинг кўлами кенгайтирилиб, янги иш ўринлари яратилди, бу саъй-ҳаракатлар айни пайтда ҳам тўхтаган эмас. Муҳими, мазкур ҳудуд аҳолиси ҳар қандай тажриба ҳамда янгиликларни биринчилардан бўлиб ўзларида синаб кўриб, истиқболлиларини оммалаштиришга одатланишган.

Корхоналарда техника ва технологияларнинг замонавийлаштирилгани, у ерда меҳнат қилаётганлар учун етарлича шароитлар яратилиб, тадбиркорликнинг кенг ривожланиши ютуқлар омили бўлмоқда. Бугун ушбу вилоятдаги ишбилармонлар қўлида сайқал топаётган турли хилдаги аҳолибоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириб, ички бозорни таъминлаш билан бирга экспорт ҳажмини оширишга имкон туғдирмоқда.

Бир мисол. Бу борада мавжуд ишлаб чиқариш корхоналаридаги ҳолат аввалги давр билан таққосланганда катта тафовут борлигини кузатиш мумкин. Айтайлик, режага кўра, жорий йилнинг ўтган икки ойида 99,4 миллион долларлик маҳсулот четга экспорт қилиниши белгиланган эди. Корхоналардаги имкониятлар тўла қувват билан ишга туширилгани натижасида бу кўрсаткич 132,1 фоизни ташкил қилиб, четга 131,3 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган. Бу эса якунланган йилнинг шу даврига нисбатан 134,0 фоиз кўп дегани.

Ўз-ўзидан йилнинг дастлабки ойларидаёқ бундай ютуқларга эришишда кимнинг қанча улуши бор, деган савол туғилиши табиий. Улар бирма-бир таъкидланмаса-да, вилоятдаги мутахассисларнинг таҳлилларга қараганда, ўтган икки ой оралиғида 339 та экспортёр корхоналарнинг иштирокида тайёрланган 148 турдаги 421 хил маҳсулотлар 45 та давлатдаги ҳамкорларга юборилган. Жумладан, шартнома бўйича Россияга 38,6 фоиз, Туркияга 15 фоиз, Қозоғистонга 9 фоиз, Тожикистонга 6,5 фоиз, Хитойга 4,5 фоиз, Қирғизистонга 3,9 фоиз, Афғонистонга 3,8 фоиз, Италияга 3,2 фоиз, Украинага 2,4 фоиз, Польшага 1,8 фоиз, Индонезияга 1,2 фоиз, Германияга 0,9 фоизни ташкил этди. Шунингдек, вилоят агросаноат мажмуида сифатли маҳсулотлар етиштириб, айни илик узилди даврида халқимизга тансиқ маҳсулотлар етказиб бериш билан бирга, четдаги 27 та давлатларга ҳам шартнома асосида экспорт қилинган.

Гап, ишлаб чиқариш тармоқларида тайёрланаётган маҳсулотларни истиқболли шартномалар тузиб, экспорт даражасини ошириш хусусида бораркан бу борада яна бир масалага эътибор қаратиш ўринлидир. Барчамизга аёнки, бугунги кунда дунё миқёсида бўлаётган турли хил глобал масалалар, айрим давлатлардаги нотинчликлар ҳар қандай давлатнинг иқтисодиёти ва экспорт салоҳиятига таъсир қилмасдан қолмайди. Айни мана шу жараёнда ташқи савдо операциялари билан ишлайдиган корхоналарда юзага келаётган айрим муаммоларни бартараф этиш ва узлуксиз ишлашни таъминлаш мақсадида Тошкент вилоятида биринчилардан бўлиб инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси қошида “Экспорт штаби” қайтадан тикланди.

Навоий вилояти

# Янги мактаб фаолият бошлаш арафасида



**Ҳилола ИСМАТОВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Умумий ўрта таълим тизимида илғор халқаро талабларга мувофиқ таълим олиш имкониятларини яратиш, халқ таълими муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.**

Хусусан, жаҳон стандартларига мос мактаб биноларини қуриб, фойдаланишга топширилаётгани, келажак авлоднинг муносиб билим олишида катта аҳамиятга эга.

Навоий шаҳрида ҳам қад кўтараётган “Томпсон” давлат хусусий шериклик асосидаги умумтаълим мактабининг қурилиш-монтаж ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Бинонинг биринчи қисми тайёр ҳолатга келтирилган бўлиб, иккинчи қисмида асосий ишлар бажариляпти. Таълим муассасасининг лойиҳа қиймати 6 млрд сўмни ташкил этади ва 600 ўринга мўлжалланган. Мактаб ишга туширилгач, инглиз тили ва IT соҳаси чуқурлаштирилган тарзда ўқитилади.

Яқинда Навоий шаҳар қурилиш бўлими мутахассислари ва шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиб, ўз таклифларини берди. Хусусан, кадастр бўлими, солиқ инспекцияси, ободонлаштириш бошқармаси, маҳалла раиси ва ширкат раҳбарлари томонидан мактаб атрофида воркаут ва болалар майдончаси ташкил этиш, кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш бўйича фикрлар билдирилди.

Қашқадарё вилояти

# Наврўз – ҳарбийларга қўшалоқ қувонч олиб келди

**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Наврўз шукуҳи кезиб юрган шу кунларда “Инсон қадри учун” тамойили янада яққол кўзга ташланди. Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ тасарруфидаги Пачкамар қўрғонида жойлашган ҳарбий қисмда 2 қаватли 4 та хизмат уйлари ҳарбий хизматчилар ихтиёрига топширилди.**

Замонавий ва барча қулайликларга эга бўлган уйларни топшириш маросимида вилоят ҳокимлиги, Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ қўшинлари қўмондони, нуронийлар ва кенг жамоатчилик иштирок этди. Митти шаҳарчани ёдга солувчи маскан мазкур масканда барча шароитлар яратилган.

# Шаҳрисабзда тиббиёт бирлашмаси биноси фойдаланишга топширилди

**Қисқа муддатда бунёд этилган, мазкур шифохона мажмуасида инвестиция дастури асосида 18,5 млрд сўмлик капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди ва қўшимча янги бинолар қурилди.**

Айни пайтда шифохонада беморлар учун барча қулайликлар яратилиб, бир вақтнинг ўзида нафақат диагностика, балки даволаш учун ҳам барча шарт-шароитлар муҳайё этилган.



Наманган вилояти

# Норинда кичик ГЭС қурилади

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Норин туманида кичик гидроэлекростанция қурилиши мумкин. Чунки ҳудуддан қатор дарё ва каналлар оқиб ўтганлиги бунинг учун имконият яратади. Туман ҳокимлигида Хитой Халқ Республикасидан ташриф буюрган бир гуруҳ инвесторлар билан ўтказилган учрашувда шу ҳақда гап борди.**

Меҳмонлар орасида “Shaanxi Coal-chemical Namangan Construction Co” МЧЖ шаклидаги хорижий корхонаси раҳбари Му Анин ҳамда “Power China Chongqing Engineering Corporation Limeted” компаниясининг вакиласи Лю Ю бор эди. Учрашувда қурилиш, энергетика ва саноат йўналишидаги истиқболли лойиҳалар билан танишилди.

# “Барака”ликлар қувончи

**Янгиқўрғон туманидаги “Барака” маҳалла фуқаролар йиғини ҳаётида қувончли воқеа рўй берди.**

Боиси, аввалари ҳудуддаги мактабнинг бўш турган биноси фойдаланишга топширилди. Маҳалладаги тадбиркорлар ҳомийлигида ҳашар йўли билан қуриб битказилган янги маҳалла фуқаролар йиғини биносида фуқаролар муаммоларини ҳал этиб, улар билан доимий мулоқотда бўлаётган раис, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли ҳамда профилактика инспектори учун етарлича шароит яратилган.

# Сиҳатгоҳ ишга тушди

**Чуст туманидаги Оғасарой қишлоғида янги сиҳатгоҳ дастлабки даволанувчиларни қабул қилди.**

У “Chortok kurort servis” МЧЖ томонидан барпо этилди. 240 та ўринли соғломлаштириш масканини қуришга 4,5 млрд сўм маблағ сарфланди. Сиҳатгоҳда 60 та янги иш ўрни яратилди.

Бухоро вилояти

# Султонобод чўлида лойиҳалар амалга ошириляпти

**Бухоро вилоятидаги “Bukhara Urfa Cluster” Ўзбекистон – Туркия – Афғонистон қўшма корхонаси пахта-тўқимачилик кластери кўринишида фаолият кўрсатишга ихтисослашган. Бугунги кунда ана шу корхона жамоаси янги лойиҳаларини чўл ҳудудларида амалга оширишни мақсад қилган.**

Юртимизнинг кўплаб жойларидаги сингари Бухоро вилоятида ҳам оби ҳаёт танқислиги сезилиб тургани сабабли нафақат қишлоқ хўжалиги, балки саноат корхоналари ҳам унчалик ривожланмаганди. Шу сабабли корхона Бухоро туманидаги Султонобод чўлида қишлоқ хўжалиги учун ажратилган умумий майдони 4 минг гектар ҳудудда ерни ўзлаштириш ҳамда лойиҳа ишларини амалга оширишни бошлаб юборди. Ҳудудда янги лойиҳалар бўйича ишлар бошлаб юборилгани, биринчи навбатда ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтирса, шу яқин орадаги маҳаллаларда яшайдиган йигит-қизларнинг доимий бандлигига шароит яратилади.

Корхона раҳбари Самар Абдиевнинг эътироф этишича, мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 27 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, айни пайтда Туркия томонидан Халил Бейникат, Афғонистон томонидан эса Нажиб Нажмиддин каби сармоядорлар улуш қўшишаётган бўлса, улушнинг 22 миллион АҚШ доллари қийматидаги қолган қисмини “Саноатқурилишбанк”нинг вилоят филиали кредити ташкил этмоқда.

Бошланган ишларнинг биринчи босқичида пахта тозалаш заводи, ёғ заводи, тухум ва парҳезбоп гўшт маҳсулотлари етиштириш бўйича паррандачилик тармоғи, ем маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи, булардан ташқари, ип-йигирув, тўқимачилик ҳамда тикув фабрикасига ихтисослашган кластер фаолияти кейинги йил охирига қадар тўлиқ фаолият бошласа, иккинчи босқичда дон ва дон маҳсулотларини қайта ишлаш, шунингдек, бошқа тармоқларни ҳам шакллантириш назарда тутилган.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, илк фаолият йилида қайта ишлашга йўналтириладиган хомашё 15 минг тонна атрофидаги пахта ҳисобидан 5,5 минг тонна ип-калава, шундан 4,8 миллион квадрат метр ип-газлама, яъни ярим тайёр мато, 620 тонна тикув-тўқув маҳсулотлари ишлаб чиқариш режа қилинган. Шунингдек, 2,1 минг тонна шрот, кунжара, шелуха, комбикорм сингари омихта ем маҳсулоти, 3,6 минг тонна ёғ-мой маҳсулоти ишлаб чиқариш имкони яралади.

Замон талабидаги лойиҳаларни ишга тушириб, юртимиз иқтисодини юксалтиришга ўз ҳиссасини қўшаётган корхоналарда ишлаб чиқариладиган ҳар хил маҳсулотларга бугунги кунда ички ва ташқи бозорларда талаб ва эҳтиёж ортиб бораётгани эътиборга лойиқдир. Шу боис, қўшма корхона мақомидаги “Bukhara Urfa Cluster”да ҳам экспортга йиллик товар айирбошлаш ҳажмини 7 миллион АҚШ долларига етказиш чоралари кўрилмоқда. Кластер томонидан ишсиз мақомидаги хотин-қизлардан 400 нафарини доимий бандлигини таъминлаш ҳам режага киритилган.

**Ўз мухбиримиз.**

# МУКАММАЛ ЛОЙИҲА – ЮКСАК БУНЁДКОРЛИК АСОСИ

**Саидаҳмад БАҲОДИРОВ,**
“Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Мувофиқлаштириш, инновация ва методология бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

**Бугун юртимиз илгари ҳеч қачон кузатилмаган кенг бунёдкорлик маконига айланди. Бир-биридан замонавий ва кўркам бинолар, шинам турар жойлар, йўллар ва истироҳат боғлари дунёнинг ривожланган давлатлари билан ҳамоҳанг тарзда барпо этиляпти. Шаҳару қишлоқларимизнинг замонавий қиёфасини яратишда қўли гул қурувчилар маҳорати билан бир қаторда сифатли лойиҳа-смета ҳужжатларининг ҳам ўрни беқиёс.**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” Давлат унитар корхонасининг асосий вазифаси ҳам аслида маҳоратли лойиҳачилар томонидан яратилаётан мукаммал лойиҳаларни амалиётга тўғри татбиқ этишдан иборат. Ташкилот Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3646-сонли қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузурида ташкил этилган.

Унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

– давлатни ривожлантириш дастури манбалари ҳисобига амалга ошириладиган шаҳарсозлик, лойиҳа-смета, ишчи лойиҳа ва ишчи ҳужжатларнинг, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлари ҳисобига объектлар қурилишининг мустаҳкамликка, ёнғин ва портлаш хавфсизлиги ҳамда шаҳарсозлик, ижтимоий, санитария-гигиена талабларига риоя этилиши, ёқилғи-энергетика, хом ашё ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланилиши, лойиҳа ечимларининг амалдаги нормативлар ва стандартларга мувофиқлиги юзасидан белгиланган тартибда давлат экспертизаси ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминлаш;

– архитектура-режалаштириш ва шаҳарсозлик ечимлари даражасини ошириш;

– лойиҳалаштириш ишларини ва қурилиш ишлаб чиқаришини такомиллаштириш ҳамда лойиҳалаштириш ва шаҳарсозлик соҳасидаги илғор тажрибани ўрганиш ва оммалаштириш;

– шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги буюртмачилар, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар ва бошқа ташкилотлар ўртасидаги шаҳарсозлик ҳужжатларига оид келишмовчиликларни кўриб чиқиш.

Шунингдек, корхона ўз ваколатлари доирасида шаҳарсозлик фаолияти соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ва методик хужжатларнинг ишлаб чиқилишини ҳам ташкил этади. Хорижий мамлакатлар ва ташкилотлар билан халқаро илмий-техник ва иқтисодий ҳамкорликни амалга оширади ва уларда қатнашади.

“Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК ва унинг ҳудудий филиаллари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги “2021 – 2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4936-сон қарори билан тасдиқланган дастур ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Раёсат баёнлари орқали киритилган ўзгаришлар билан биргаликда ўтган йили 3 305 та объектлар бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизадан ўтказилган.

Экспертизадан ўтказиш учун 23 324,9 млрд сўмлик лойиҳа-смета ҳужжатлари киритилган бўлиб, лойиҳа ечимларини кўриб чиқиш ва уларни меъёрий ҳужжатлар талабларига тўғри келтириш ҳамда сметадан асоссиз кўзда тутилган харажатларни чиқариб ташлаш ҳисобига бошланғич қиймати 21 592,3 млрд сўмга хулоса берилган. Натижада, лойиҳаларнинг смета қийматидан 1 732,6 млрд сўмга иқтисод қилишга эришилди.

Шундан, инвестиция дастурига киритилган 3 472 та объектдан 3 305 тасининг лойиҳа-смета ҳужжатларига ижобий экспертиза хулосаси берилган бўлса, 167 та объектнинг лойиҳа ҳужжатлари экспертизага тақдим қилинмаган.

Ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш жараёнини янада яхшилаш ҳамда объектларни қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал ва жорий таъмирлаш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатлари лойиҳаларини шаҳарсозлик меъёрий ҳужжатларга мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказишни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрдаги “Шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш тартиботларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 579-сон қарори чиқарилди.

Ушбу қарор шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш жараёнида юзага келаётган бир қатор муаммоли масалалар ечими сифатида экспертиза ташкилотларига муҳим ҳужжат бўлди. Жумладан, қарорнинг умумий қоидалари қуйидагилардан иборат:

“Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУКнинг функциялари ва мажбуриятлари;

экспертиза органлари ва ташкилотларининг функциялари ва мажбуриятлари;

шаҳарсозлик ва лойиҳа ҳужжатларини тегишлилиги бўйича кўриб чиқиш тартиби;

шаҳарсозлик ва лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш учун тақдим этиш тартиби;

шаҳарсозлик ва лойиҳа ҳужжатларини қабул қилиш, кўриб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш тартиби;

шаҳарсозлик ва лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш нархлари, қиймати ва муддатлари;

экспертларга қўйилган талаблар, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;

шаҳарсозлик ва лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш ва экспертиза хулосасини расмийлаштириш;

экспертиза органлари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш тартиби ва якунловчи қоидалар.

Бундан ташқари, Шаҳарсозлик фаолияти объектларини қуриш учун шаҳарсозлик ҳужжатлари зилзилага бардошлилик ва ёнғин хавфсизлиги юзасидан мажбурий экспертизадан ўтказилиши лозим. Тўғридан-тўғри инвестициялар, шу жумладан, чет эл инвестициялари ҳисобидан амалга ошириладиган объектлар бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларининг смета қисмини экспертизадан ўтказиш талаб этилмаслиги қайд этилган.

Шунингдек, айни пайтда шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизаси “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК ва унинг филиаллари ҳамда аккредитациядан ўтган тадбиркорлик субъектлари томонидан ўтказилмоқда. Лекин айрим аккредитациядан ўтган тадбиркорлик субъектларининг давлат томонидан молиялаштириладиган объектларни экспертизадан ўтказишда қўпол қонунбузилиши ҳолатлари ва хатоликлар кўзга ташланяпти. Бу, ўз навбатида, бюджет маблағларини мақсадли сарфланишига ва объектлар қурилишини сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Иш бор жойда муаммо ва камчиликларнинг учраши табиий ҳол. Аммо уларни ўз вақтида ва кечиктирмасдан бартараф этиш келгусидаги улкан муаммоларнинг олдини олишга ёрдам беради. Бу муаммоларни бартараф этиш учун лойиҳалар рўйхати шакллантирилганда, объект ҳудуди ва жойлашувига кўра, муҳандислик тармоқлари мавжудлигига ва уларнинг техник шартларига ҳамда лойиҳанинг самарадорлик ечимларига тўлиқ аҳамият бериш лозим. Бундан ташқари, буюртмачилар томонидан “Лойиҳа топшириқ” ишлаб чиқарилганда, аниқ иш турлари ва лойиҳа ечимларига тўлиқ аҳамият бериш ҳам муаммоларни олдини олишга хизмат қилади.

Қолаверса, бугунги кунда фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ахборот тизими ҳам ишга туширилган. Ушбу тизим қурилиш соҳасида лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш жараёнларини рақамлаштириш ва барча аниқланган камчиликлар, киритилган ўзгартиришлар, лойиҳа ҳужжатлари ҳамда экспертиза хулосаларини ягона базада электрон тарзда сақлашни таъминлайди.

Тизимнинг асосий вазифалари лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш бўйича буюртмачи томонидан мурожаатларни электрон тарзда юбориш ва натижаларни электрон шаклда қабул қилиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини электрон шаклини тизимга юклаш ва уни ягона базада сақлаш, архитектура режалаштириш топшириғи, архитектура кенгаши томонидан келишиш ҳужжатлари, экология хулосалари, соҳавий хулосалар, геология тадқиқотлар хулосаси, лойиҳа топшириғи, техник шартлар, лойиҳалашга лицензия электрон шаклда умумий базага юклаш ва олиш, экспертлар томонидан аниқланган камчиликлар ва уларни бартараф қилинганлиги тўғрисидаги маълумотларни тизимга киритиб бориш, экспертиза жараёнлари бўйича назорат ва ҳисоботларни автоматик равишда шакллантиришдан иборат.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№22 (575) 2022 йил 29 март

# "My favourite book" mavzusida noan'anaviy dars

**Rayhona XO'JAYEVA,**
"O'zbekiston bunyodkori" muxbiri.



**Toshkent arxitektura-qurilish institutida yoshlar ma'naviyatini yuksaltirish, ular o'rtasida kitobxonlikni keng targ'ib qilish maqsadida Bino va inshootlari qurilishi fakultetida 1-bosqich talabalari ishtirokida "Xorijiy tillar" kafedrasi katta o'qituvchilari Z. Saidova, N. Atabayevalar tomonidan ingliz tilida "My favourite book" mavzusida noan'anaviy dars tashkil etildi.**

Ushbu noan'anaviy darsni BIQF o'quv ishlari bo'yicha dekan o'rinbosari S. Mavlonov kuzatib bordi. Dars jarayonida talabalarga "Top 10 facts about books" mavzusida taqdimot ham namoyish etildi.

Shuningdek, "The bestseller books" mavzusi ham yoritib berildi. Dars jarayonida talabalar tomonidan tayyorlangan taqdimotlar bilan birga o'zlari o'qigan badiiy asarlar haqida ham fikrlar almashildi.

# Sog'lom hayot uchun 5 000 qadam




**Mirzo Ulug'bek nomidagi Samarqand davlat arxitektura-qurilish instituti Arxitektura va Qurilishni boshqarish fakultetlari yoshlar bilan ishlash bo'yicha dekan o'rinbosarlari, tyutorlari va talaba-yoshlari hamkorligida "Sog'lom hayot uchun 5 000 qadam" shiori ostida yurish marafoni o'tkazildi.**

# Mental arifmetika bo'yicha olimpiada

**Poytaxtimizning Mirzo Ulug'bek tumanida tashkil etilgan Mental arifmetika bo'yicha olimpiadada Toshkent arxitektura-qurilish instituti Bino va inshootlar qurilishi fakulteti 1-bosqich talabasi Sahobiddin Jaloliddinov faol ishtirok etib, "Oliy murabbiy" unvonini qo'lga kiritdi.**

U tashkilotchilar tomonidan esdalik sovg'alari va tashakkurnoma bilan taqdirlandi.

# Профессор-ўқитувчилар талабалар даврасида

**Барно САЛИМОВА,**
Тошкент давлат транспорт университети профессори.

**Тошкент давлат транспорт университетининг Автомобиль йўлларини қидирув ва лойиҳалаш кафедрасининг профессор-ўқитувчилари ва докторантлари Бухоро вилояти автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармасига ташриф буюрдилар. Ташриф доирасида "Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси" мавзусида илмий-амалий семинар ташкил этилди. Семинарда Бухоро вилояти автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси, Бухоро йўл хўжалиги ходимлари малакасини ошириш илмий-тадқиқот ўқув маркази ходимлари, Бухоро автомобиль ва йўллар техникуми ўқитувчилари қатнашдилар.**



Семинар давомида профессор-ўқитувчилар – доцент Р. Худайқулов, доцент Ф. Икрамова, ассистент М. Казакбаева ва таянч докторантлар – Х. Абдуллаев, Х. Ергашев, Д. Араловлар томонидан кафедрада олиб борилаётган "Хўжалик йўлларини лойиҳалашнинг ўзига хосликлари", "Маҳаллий материаллардан фойдаланган ҳолда йўл тўшамалари конструкцияларини лойиҳалаш ва уларни кучайтириш", "Автомобиль йўлларини кўчувчи қумлардан ҳимоя қилиш" (муаммо ва ечимлар), "Шўрланган грунтли йўл кўтармаларининг ҳисобий тавсифларини яхшилашнинг услубий асослари" мавзуларидаги илмий-тадқиқот ишлари бўйича маърузалар қилинди. Семинар соҳа вакиллари томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди ва улар ўзларини таклиф ҳамда мулоҳазаларини билдиришди.

Семинар давомида қилинган тақдимотларимизда мамлакатимиз, хусусан, пойтахтимиз Тошкентда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларининг бориши, давлат раҳбарининг қурилиш соҳасига қаратаётган эътибори, шу жумладан, автомагистраллар, ички хўжалик йўлларининг созлигини таъминлаш, йўл қурилишида янгича инновацион ёндашувлар, замонавий технологияларни қўллаш каби мавзуларда чиқишлар қилдик.

Шу билан бирга, Бухоро вилоятининг иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда, чўл ҳудудларида йўллар қурилиши, уларнинг сифатини ошириш, йўл тўшамаларининг конструкциялари чидамлилигини янада юксалтириш, йил давомида уларнинг хавфсизлиги нуқтаи назаридан халққа хизмат қилиши борасидаги чора-тадбирлар борасида ўз таклифларимизни бердик. Йўл қурилиши борасидаги муаммоларни ўрганиб, келгусида уларни ҳал этиш юзасидан илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш борасида келишиб олдик. Бундан ташқари, ўқув марказида ҳам бўлиб, у ердаги шароитлар билан танишдик.

Бундан ташқари, профессор-ўқитувчилар Бухоро вилояти ҳудудидан ўтувчи халқаро аҳамиятдаги А-380 "Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўлини Осиё тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан қайта қурилаётган қисмларида замонавий технологиялар асосида олиб борилаётган қурилиш технологик жараёнлари билан ҳам яқиндан танишдилар.

Семинарнинг иккинчи куни кафедрамиз профессор-ўқитувчилари Бухоро автомобиль ва йўллар техникумига ташриф буюришди. Техникум билан Олий таълим ўртасидаги узвийликни мустаҳкамлаш мақсадида келгусидаги ҳамкорлик асосида бажариладиган ишлар режаси белгилаб олинди. Мутахассислик фанларидан маҳорат дарслари ўтилди. Профессор-ўқитувчиларимизнинг ташрифи ўқувчилар томонидан жуда катта қизиқиш билан кутиб олинди. Қолаверса, ёшларни олий таълим даргоҳларига қамраб олиш мақсадида иккинчи босқичга суҳбат асосида қабул қилиш борасида ҳам суҳбатлашдик. Эндиликда улар билан "ЗООМ" дастури ва маҳорат дарслари орқали билимларини ошириш, ўқитувчиларнинг ўқитиш малакасини юксалтириш, халқаро ва маҳаллий конференцияларда иштирокини таъминлаш борасида келишиб олдик.

Бу каби семинар ва тадбирларни юртимизнинг барча ҳудудларидаги университетимизга бириктирилган техникумларда ўтказишни режалаштирганмиз. Бу орқали ёшларнинг билим ва малакаси янада ортиб, келгусида ўз соҳасининг етук мутахассислари бўлиб чиқишади, деган умиддамиз.

# Yoshlar hayotida virtuallashuv sabablari va omillari

**Mahbuba SAYFULLAYEVA,**
Toshkent davlat yuridik universiteti Xalqaro huquq va qiyosiy huquqshunoslik fakulteti 1-bosqich talabasi.

**Bugungi kunda global miqyosda juda keng tarqalgan va deyarli yer yuzi bo'ylab cheksiz yoyilib borayotgan globallashuv jarayoni o'zi bilan birgalikda bir qancha o'zgarishlarni hayotga tatbiq etmoqda. U asosida shakllangan "Ommaviy madaniyat" tushunchasi va ildiz otgan baza – www (world wide web) – Internet haqida bilmaslik yoki ular ta'sirisiz yashashni tasavvur etishning iloji yo'q.**

Chunki bu ikki jarayon umumiy nom ostida, ya'ni globallashuv, har bitta mamlakatga u buni xohlaydimi yoki yo'q, bundan qat'iy nazar, iqtisodiy-siyosiy, ijtimoiy-madaniy, g'oyaviy taraflama o'z ta'sirini o'tkazib kelmoqda. Tarix davomida hukm surgan davlatlarning gegemonlikka erishish, jahon sivilizatsiyasiga o'z ta'sirini qat'iy o'rnatishga intilish mafkurasi ochiq-oydin qurolli kurash yoki iqtisodiy tizimlarni ochiqchasiga qo'lga olish ko'rinishidan butunlay yangicha "qog'ozga o'ralgan" variantida virtual mafkuraviy poligondagi harakatlarga ko'chmoqda.

Globallashuv – bu butun dunyo bo'ylab odamlar, kompaniyalar va hukumatlar o'rtasidagi o'zaro ta'sir va integratsiya jarayonidir. U ham rivojlangan, ham rivojlanayotgan mamlakatlar uchun yagona iqtisodiyot va madaniyat, xizmatlar va odamlarning erkin aylanib harakatlanishi, iste'molchilar uchun yaxshiroq tanlovlarni ko'paytirish va demokratiya o'rnatish tomon olg'a siljish borasida birdek foydali jarayon sifatida qaraladi.

Ayni paytda Internet World Stats rasmiy saytining ma'lumot berishicha (2021-yil mart holatiga ko'ra), yer yuzidagi 7,9 milliarddan oshiq aholining 5 milliard 128 milliondan ortig'i doimiy internet foydalanuvchilari hisoblanadi. Bu raqamlarning esa mutlaq yarmidan ko'pini yosh avlod foydalanuvchilari tashkil etib, ularning 85 foizi rivojlanayotgan mamlakatlarda yashaydilar. Internet olamidagi barcha yangiliklar, voqealar, faoliyat insonlar uchun doimo diqqatni tortadigan, qiziqarli bo'lib tuyilaveradi. Masalan, yaqindagina Toshkent davlat yuridik universiteti XHQH fakultetining 1-kurs talabalari orasida o'tkazilgan so'rovnomadan ma'lum bo'ldiki, talabalarning aksariyati bo'sh vaqtini ijtimoiy tarmoqlar yoki turli saytlarni tekshirish uchun sarflaydi.

Internetda milliardlab ma'lumotlar bor, ulardan xoh yaxshi, xoh yomon maqsadlarda birdek foydalanish mumkin. Quyida uning ijobiy va salbiy jihatlariga e'tibor qaratamiz.

Birinchidan, iqtisodiy-moliyaviy tomonlama Internet bugungi kunda ko'plab qulayliklar va imkoniyatlar taklif etmoqda. Yoshlar va ko'lab kadrlar o'z yo'nalishida ish qidirib yurishdan yoki har kuni ishxonaga qatnashdan ko'ra uzoq masofadan turib o'z uyining qulayligida ishlashni afzal ko'radilar. Jahon miqyosida eng yirik kompaniyalar ham o'z mahsulotlarini onlayn tarzda reklama qilib (Instagram, Facebook, Zoodpay orqali), tovar yetkazib berish xizmatlarini yo'lga qo'ymoqda. Eng asosiysi, ko'pchilik yoshlar ayni trennda bo'lgan zamonaviy mahsulotlarga qiziqadilar, ehtiyoj sezadilar. Qisqacha qilib aytganda, moddiy jihatdan manfaat ko'rish yo'llari ko'p.

Ikkinchidan, ijtimoiy-madaniy jihatlarda ham virtual hayotning imkoniyatlari ko'p. Hozirda ta'lim olish jarayonini yanada qulaylashtirish uchun ko'pchilik universitetlar masofaviy ta'limni yo'lga qo'ygan holda talabalarga ham ishlab ham o'qish usulini yaratib bermoqda. Bu ham qulaylikka bir misol. Internet hayotida do'stlar orttirish, ular bilan fikr almashish, hattoki boshqa millat vakili bo'lsa yangi til o'rganib olish mumkin. Ijobiy tomoni shundaki, har xil ijtimoiy tarmoq platformalaridan foydalanish uchun kamida bitta xorijiy tilni bilishga to'g'ri keladi.

Uchinchidan, virtuallashuv yoshlarga psixologik tomondan ham ta'sir o'tkazadi. Ularda ko'pchilik bilan tanishgan sari yozish, fikrni yetkazib berish madaniyati shakllanadi. Ba'zi o'smirlarda begonalar bilan yuzma-yuz muloqot qilish qobiliyati shakllanmagan, ya'ni, ular guruhdan ajralib, tortinib turadigan bo'lsa, ularga onlayn muloqot ayni muddaodir. Ortiqcha stress yoki tushkunlikka tushmay odamlar bilan suhbatlashish, ta'lim olish yoki ishlash ular uchun qo'l kelishi mumkin. Biroq bu kabi muloqotlar real hayotdagi kabi samarali bo'lishi qiyin masala.

Virtuallashuv jarayoni yuzaga chiqarayotgan salbiy jihatlarni ham aytmaslikning iloji yo'q. Jahondagi bir qancha mamlakatlardagi psixologlar virtuallashuv hodisasining o'smirlar va yoshlar ongiga, hayotiga ta'siri borasida izlanishlar olib borganlar. Ulardan biri Catherine Steiner-Adair, EdD, klinik psixolog, "The big disconnect" kitobi muallifi, o'zining 25 yillik tajribasi jarayonida ushbu mavzuda izlanishlari xulosasini quyidagicha izohlaydi: "Bugungi kunda bolalarizmiz o'zlari uchun nihoyatda muhim bo'lgan yumshoq ko'nikmalarni yo'qotayotganlari haqida savol bo'lishi mumkin emas. Bu yo'lda onlayn kommunikatsiya va yozishmalar qilish nafaqat og'zaki nutqdagi kamchilikka olib keladi, balki bu tanani shunday holatga qo'yadiki, unda yuz ifodalari, emotsiyalar va nutqiy reaksiyalar butunlay ko'zga tashlanmas holatda turib qoladi". Bu Internetdan uzoq muddat foydalanishning psixologik oqibatlaridan biri.

Shaxsiy kuzatishlarimning birida, aynan "online" hayotdagi aktivlik, do'stlar orttirib muloqot qilishga berilib ketish ortidan real hayotdagi xarakterida jizzakilik, ichki depressiya, jur'atsizlikka tushib qolgan yoshlarni ko'rdim. Bu yoshlar begona emas, sinfdoshlarim edi va shuning uchun ular bilan aynan suhbatlashib ko'rishga ham muyassar bo'ldim. To'g'rirog'i, telegram orqali gaplashganimda juda tez, qisqa va aniq javoblar orqali yengil suhbatlashdik. Ammo o'zlarini uchratganimda yuzlarida horg'inlik, stress, yuzma-yuz muloqotlardan bezib ketgandek edilar. Bundan tashqari, real hayotda insonlar o'rtasidagi munosabatlarni tartibga solib turuvchi huquq-tartibot, ijtimoiy normalar tizimi mavjud bo'lib, o'z o'rnida davlat va jamiyat tomonidan tartibga solinib turiladi. Virtual hayotda esa buning deyarli iloji yo'q. O'g'rilik, bezorilik, talonchilik kabi xavfli ijtimoiy qilmishlarning xuddi onlayn variantdagi, ammo ancha murakkab darajadagi ko'rinishlari mavjud.

So'nggi yillarning eng olamshumul ixtirosi 3D qurilmalar virtual hayotdagi sahnalarni real hayotdagi holatlarga shu qadar yaqinlashtirdiki, bu bevosita internetga berilib ketish kabi holatlarga sabab bo'lmoqda. O'zbek yoshlari esa hali bu jarayonga qarshi birdaniga javob qaytara olish darajasiga yetgani yo'q. Shubhasiz, insonda axborot makonidagi ma'lumotlarni tahlil qilib chiqqandan keyingina ma'lum bir zararli ta'sirlarga qarshi kurashish uchun ishonch va fikr paydo bo'ladi. Xuddi shuningdek, yoshlar mustahkam iroda va mafkuraviy immunitet hosil qilish barobarida virtuallashuv jarayonidagi oq-u qorani ajratib, faqatgina foydali maqsadlarda sarflashni o'rgana boshlaydi.

# Maktabgacha ta'limga "STEAM" dasturi asosida yondashuv

**Lobar XAMRAKULOVA,**
Guliston tumanidagi 5-DMTT metodisti.

**STEM va STEAM dasturlari so'nggi bir necha yil ichida ancha rivojlandi. Dastur XXI asr iqtisodiyoti ehtiyojlarini chinakam qondirish uchun ijobiy harakat usuli sifatida yuzaga kelmoqda. Maqsad oddiy, kelajakdagi iqtisodiy farovonlik to'lqini ilm-fan, texnologiya, muhandislik va matematika kabi yuksalayotgan mehnat bozorlarini yaxshi biladigan ishchi kuchida yotadi.**

STEAM dasturidan maktabgacha ta'lim tizimida foydalanish tarbiyalanuvchilarni o'ylab tavakkal qilish, tajribali o'rganish bilan shug'ullanish, hamkorlikda ishlaydigan tarzda kamolga yetkazishga ko'maklashadi. Mazkur dastur ta'limi orqali biz bolalarni hayotdan zavqlanib yashashga, har bir holat yoki predmetda go'zallik ko'ra olishga, asosiysi, borliqni "boricha" qabul qila olishga o'rgatamiz.

So'nggi tadqiqotlarga ko'ra, STEAM bolalarning muvaffaqiyati va o'qituvchining samaradorligiga ijobiy ta'sir ko'rsatadigan istiqbolli yondashuv hisoblanadi. 2016-yilda o'tkazilgan tadqiqot natijalariga ko'ra, atigi to'qqiz soatlik dastur yo'riqnomasini olgan o'quvchilar o'zlarining fan yutuqlarida yaxshilanishga erishishgan. Jumladan, savodxonlik, san'at va matematika fanlari o'rtasidagi bog'liqlik bo'yicha o'tkazilgan 2014-yilgi tadqiqotda bunday bolalar qolgan tengdoshlariga nisbatan ko'proq bilimlarni o'rganishgan.

STEAM ta'limida ko'rgazmalilik orqali bolalarga tushuncha va bilim aniq dalil bilan beriladi. Ko'rgazmali qurollarni bolalar bilan birga tayyorlash samarali natija beradi. Dastur asosida ulg'ayayotgan har bir bolaning dunyoqarashi tengdoshlarining dunyoqarashidan farq qiladi. Nega deganda, an'anaviy ta'lim tizimida tarbiyalanayotgan bolalarga kattalar tomonidan "Teginma", "Mumkin emas", "Hali kichkinasan" kabi tanbehlar tez-tez aytiladi. Bu esa o'z navbatida boladagi erkinlikni cheklab, qo'rquv hissini oshiradi, uning dunyoga "chegara"dan chiqmagan holda murojaat qilishiga, borliqni kattalar aytganday ko'rishiga sabab bo'ladi.

Maktabgacha ta'lim tizimiga STEAM ta'limini bosqichma-bosqich olib kirish uchun avvalo, bolalar qo'l ishini rag'batlantirishimiz va amaliy mashqlarni ko'paytirishimiz zarur.

STEAM dasturi asosida o'quv-didaktik materiallarni tayyorlashda bolalar yoshiga mosligiga, ranglar to'g'ri tanlanganligiga, guruhdagi bolalar soniga mos holda yetarli qurollar mavjudligiga, oddiy keraksiz buyumlarni zaruriy vositalarga aylantirishga ahamiyat beriladi. Shuni yodda tutish lozimki, yasalgan ko'rgazmalar orqali amaliy tajribalar o''tkazish imkoni mavjud bo'lishi kerak. Bu bolalar mustaqilligini oshirib, o'ziga ishonchni tarbiyalaydi.

Dastur asosida ta'lim olgan bolalar odatiy voqealar rivojini buzishadi va haqiqiy dunyoga eshik ochadilar.

# Ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ривожлантириш усуллари

**Аделя ЗУННУНОВА,**
**Дилноза НУРМАТОВА,**
Учтепа туманидаги 74-мактаб бошланғич синф ўқитувчилари.

**Бир ота-она фарзанди туғилиши биланоқ донишманднинг олдига бориб, "Боламизнинг тарбиясига ўзингиз бош бўлинг" деб илтимос қилишибди. Шунда донишманд уларга "Болани тарбия қилишга нақд тўққиз ой кечикдингиз" деб жавоб берган экан.**

Бу бир ривоят. Аммо бу фикрнинг айни ҳақиқат эканлигини ҳам тан олмай иложимиз йўқ. Чунки болага тарбия она қорнидаёқ берилса, келажакда ундан энг зукко ва ақлли инсон етишиб чиқиши барчага маълум. Шу боис, мактабларда бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга айниқса, катта эътибор қаратилади.

Тошкент шаҳридаги 74-мактабда "Бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий қобилиятини ривожлантириш усуллари" мавзусида ташкил этилган семинарда бу ҳақда батафсил маълумот берилди.

Биламизки, мактабдаги асосий ва энг масъулиятли вазифалардан бири ўқувчининг ижодий қобилиятини ривожлантириш ҳисобланади. Чунки ижодкор инсон санъат ва маданиятга ошно бўлади. Санъат эса инсон ҳаётининг зарур қисми ва руҳидир. Ҳозирги ёшларнинг маънавияти камайиб кетаётгани жамият муаммосига айланди. Бу муаммони ҳал қилиш йўллари ҳақида кўп гапириляпти. Бу борада энг мақбул йўл – ўқувчидаги мавжуд иқтидорни юзага чиқариб, унинг ўзи севган машғулоти билан банд бўлишини таъминлашдир.

Биз бошланғич синф ўқитувчилари ўз фаолиятимиз давомида жуда кўп ўқувчилар билан ишлаймиз. Ҳар йили 1-синфга янги-янги иқтидорга эга болалар келади. Ҳар бир авлод ўз қарашлари, қизиқиш ва дунёсига эга. Бу эса биз ўқитувчилардан борган сари тезроқ ва кенгроқ ўйлаш, фактлар, воқеалар, тушунчалар ҳақида янги маълумот топиб, ўқувчига етказишни талаб қиляпти. Шиддатли ҳаёт тарзи болаларни ҳайратга солишни қийинлаштирмоқда. Уларни энди кўп нарса қизиқтирмай қўйган: барби қўғирчоқлари, машиналар моделлари, компьютерлар, ўйинлар...

Семинарда ҳам айнан болаларда бефарқлик тенденцияси шиддат билан ривожланаётган паллада жамиятимизга ижодий фаол одамлар кераклиги ҳамда фарзандларимизда йўқолиб бораётган қизиқишни қандай уйғотиш мумкинлиги ҳақида фикрлар алмашилди.

Кишиларнинг ҳаётда нима билан шуғулланиши муҳим эмас. Улар одамларни даволаши, машиналарни таъмирлаши, нон ёпиши ёки фабрикалар қуриши мумкин. Энг муҳими, унинг ижодий қобилияти севимли ишига сарфланишидир. Яъни, инсон қилаётган ишини севиб, чин дилдан, барча тасаввурини ишга солган ҳолда бажариши лозим. Ижодкор инсон яхши ишлайди, у билан барчаси янада қизиқарли бўлади. Табиат инсонга турлича иқтидор бахш этган. Кимдир ажойиб суратлар чизса, бошқа биров яхши қўшиқ айтади, шеър ёзади, рақсга тушади. Шубҳасиз, бундай иқтидор ҳар бир инсонда маълум миқдорда мавжуд. Бизнинг вазифамиз эса, ана шу иқтидорни топиб, янада ривожлантиришдир.

Кант шундай деб ёзган эди: "Икки инсон ихтироси энг қийин деб ҳисобланиши мумкин: таълим бериш ва бошқариш санъати". Албатта, ҳар бир ўқитувчи яхши бошқарувчи бўлиши керак. Бунинг учун эса энг аввало, мактабда яхши кайфиятга ҳисса қўшадиган интеллектуал ва ижодий муҳитни яратиш лозим. Бу иш самарадорлигини оширишга ҳам хизмат қилади.

– Назарий ва амалий педагогикада "ижодкорлик" тушунчасини батафсил ўрганиш мақсадида семинар қатнашчиларининг бу мавзуга муносабати ўрганилди, – дейди тадбир ташкилотчиларидан бири, мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Шаҳзода Зуннунова. – Хусусан, "Ижодкорлик нима?", "Ижодкорликнинг келиб чиқиши қандай?", "Ижодкорлик шартлари нимадан иборат?" каби саволларга семинарда иштирок этаётган ўқитувчилар қуйидаги жавобларни беришди: "Бу сиз билан ишлайдиган кишиларнинг ўз-ўзини ривожлантириши", "Ақл+фантазия+профессионаллик", "Бу – ҳар қандай дарс ўқитувчи ва ўқувчи учун бир лаҳзалик вақтдай ўтиб кетиши", "Руҳ ва севги уйғунлигида қилинган иш", "Ўқитувчининг мавжуд билимларни ўзгартириб, янги, янада оригинал, эҳтимол, ҳеч қачон мавжуд бўлмаган таълим ва тарбия усулларини яратишидир". "Ижодкорликнинг келиб чиқишига нима сабаб бўлади?" деган саволга эса ўқитувчилар "Ҳамкасблар тажрибасини ўрганиш", "Илмий ва услубий адабиётларни ўқиш", "Ўқувчиларнинг ўқитувчиларни жавоб излашга ундайдиган саволлари" "Ҳамкасблар билан мулоқот қилиш" каби жавобларни айтишди. Ушбу тажрибалардан маълумки, ижодкорлик учун ўқитувчиларнинг мунтазам мулоқоти, тажриба алмашиши, янги билимларни ўзлаштириб бориши жуда зарур экан.

"Ижодкорлик" сўзи "яратиш" деган маънони ҳам билдиради. Яъни, янги нарсаларни яратиш. Болаларнинг қобилиятларини ривожлантириш, уларнинг ижодий салоҳиятини ошириш учун яна нималар қилиш мумкин?

– Мактабларда дарсдан ташқари саёҳатлар, байрам тадбирлари, театр томошалари, фан ойлиги ва ҳафталиклар, фанларга доир бошқа тадбирларнинг тез-тез ўтказилиши ўқувчиларнинг фаоллигини



оширади, – деди мактабнинг бошланғич синфлар метод бирлашмаси раиси Назира Собирова. – Демак, ўз-ўзидан маълумки, ўқувчи тадбирларда бор иқтидорини юзага чиқаради. Чунки, ўқитувчи ва ўқувчилар учун ҳам анъанавий дарслардан кўра, турли тадбирларда иштирок этиш қизиқарлироқ. Қолаверса, технология ва педагогика нуқтаи назаридан, бу билим жараёнининг амалиётга таржимаси ҳам ҳисобланади. Муҳими, бундай тадбирларда ўқувчи пассив тингловчи эмас, балки фаол иштирокчи сифатида муайян вазифани бажариши, уни мустақил равишда ҳал қилиши керак. Масалан, викторина, спектакл, танлов, конференция кабиларга тайёргарлик жараёнида ўқувчи нутқи ривожланади, ролга кириб, иқтидори "очилади". Шу тариқа ўқувчи педагогик жараённинг фаол иштирокчисига айланади.

Семинар қатнашчилари юқоридаги каби яна бир қанча усул ва методлар билан интерактив мулоқот жараёнида батафсил танишиб, ўзаро тажриба алмашдилар. Ўйлаймизки, бу усуллар орқали ўқувчиларимиз иқтидори янада ривожланиб, келгусида улардан юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган зукко инсонлар етишиб чиқади.

## БАРЧА ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР, ШУ ЖУМЛАДАН, ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 апрелдаги "Аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан ўз вақтида таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4268-сонли қарори ижросини таъминлаш бўйича Андижон вилояти, Хўжаобод тумани, З. М. Бобур номидаги МФЙ, Само кўчаси, 58-уйда жойлашган "Хўжаобод Агросервис МТП" МЧЖнинг 100 фоиз улуши, Андижон вилояти, Бўстон тумани, Ипак йўли кўчасида жойлашган "Бўз Агросервис МТП" МЧЖнинг 100 фоиз улуши ҳамда Андижон вилояти, Шаҳрихон тумани, "Назармаҳрам" ҚФЙ, Қўрғонча кўчаси, 2-уйда жойлашган "Шаҳрихон Агросервис МТП" МЧЖнинг 100 фоиз улушини сотиш бўйича**

# "ANDIJON MULK MARKAZI" МЧЖ

## ТАКРОРИЙ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Такрорий очиқ танлов савдосига "Андижон Агросервис МТП" МЧЖнинг 2022 йил 28 мартдаги 01/03-23-сонли буюртманомасига асосан, "Хўжаобод Агросервис МТП" МЧЖнинг 100 фоиз улуши **бошланғич қиймати** – 712 568 253 (етти юз ўн икки миллион беш юз олтмиш саккиз минг икки юз эллик уч) сўмда, "Бўз Агросервис МТП" МЧЖнинг 100 фоиз улуши **бошланғич қиймати** – 930 126 640 (тўққиз юз ўттиз миллион бир юз йигирма олти минг олти юз қирқ) сўмда, Андижон вилояти, Шаҳрихон тумани, "Назармаҳрам" ҚФЙ, Қўрғонча кўчаси, 2-уйда жойлашган "Шаҳрихон Агросервис МТП" МЧЖнинг 100 фоиз улушини **бошланғич қиймати** – 5 509 175 274 (беш миллиард беш юз тўққиз миллион бир юз етмиш беш минг икки юз етмиш тўрт) сўмда қўйилмоқда.

**ТАНЛОВ САВДОСИНИНГ АСОСИЙ ШАРТЛАРИ:**

1. Танловда республика резидентлари (якка тартибдаги ва юридик шахс сифатида фаолият юритувчи тадбиркорлар ва ишбилармонлар) ёки норезидентлари (чет эллик тадбиркорлар ёки уларнинг вакиллари) иштирок этишлари мумкин.

2. Танлов савдоларида иштирок этувчи талабгорлар улушнинг бошланғич баҳосининг белгиланган фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини танловда эълон қилинган ҳисоб рақамига тушириши керак.

3. Танловда қатнашиш учун талабгорлар ёки унинг ваколатли вакили савдолар ташкилотчисига очиқ танлов тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатларда шахсан ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

– **юридик шахслар** – қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун ишончнома, шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда;

– **жисмоний шахслар** – паспортнинг нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда;

**4. Танлов иштирокчиси ўз бизнес режасида қуйидагиларни ёритиши зарур:**

– Машина-трактор паркининг асосий фаолияти (механизация ва сервис хизмати кўрсатиш) турини икки йил ичида ўзгартирмасдан, узлуксиз самарали ишлашини таъминлаш;

– мавжуд иш ўринларини сақлаб қолиш ва кенгайтириш;

– Машина-трактор паркининг мавжуд ишлаб чиқариш потенциалини модернизация қилиш, замонавий дастгоҳ (станок)лар ва ускуналар сотиб олиш ҳисобига сервис хизматлари турини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш;

– жамиятдаги бўш майдонлар, бино ва иншоотларда тадбиркорликнинг бошқа фаолиятларини йўлга қўйиш бўйича аниқ таклифлар, инвестиция киритиш бўйича таклифлар, натижада барпо қилинадиган қўшимча иш ўринлари;

– улушнинг бошланғич бозор баҳосидан кам бўлмаган миқдорда энг юқори сотиб олиш қийматини таклиф қилиш;

– сотиб олиш қийматининг энг қисқа муддатда тўлаш бўйича таклифлар;

– иштирокчининг бошқа таклифлари ва уларнинг самарадорлиги.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорларнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов таклифлари тақдим этилган конвертларни очиш ва танлов савдосини ўтказиш 2022 йил 15 апрель куни соат 11.00 дан бошлаб "Андижон Агросервис МТП" МЧЖ маъмурий биносида бошланади. Таклифларни очиш вақтида танлов учун ўрнатилган тартибда қатнашаётган иштирокчилар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин. Танлов таклифларини қабул қилиш муддати 2022 йил 13 апрель куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Танлов савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 10 кун муддатда жамиятнинг ягона иштирокчиси "Андижон Агросервис МТП" МЧЖ ва "Ўзагросервис" АЖ билан уч томонлама олди-сотди шартномаси тузилади.

**ТАНЛОВ САВДОЛАРИДА ҚАТНАШИШ ИСТАГИНИ БИЛДИРГАН ҲАР БИР ТАЛАБГОР ТОМОНИДАН:**

– танлов пакетлари учун энг кам иш ҳақининг тўрт баробари миқдорида;

– ахборот-маслаҳат (консалтинг) ва сервис хизматларини кўрсатиш учун 10 000 000 сўм миқдорида;

– сотиб олинган улушнинг сотилиш қийматидан 1 фоизи миқдорида сотиб олувчи томонидан комиссион тўлови амалга оширилади. Бу тўловлар сотиб олинган улуш тўловига киритилмайди.

**Талабгорлар улушнинг, яъни "Хўжаобод Агросервис МТП" МЧЖнинг 100 фоиз улуши бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда, "Бўз Агросервис МТП" МЧЖнинг 100 фоиз улуши бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ва "Шаҳрихон Агросервис МТП" МЧЖнинг 100 фоиз улуши бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан закалат пулини (ариза буюртманома топширилгунга қадар) савдо ташкилотчиси "Andijon mulk markazi" МЧЖ қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим:** 2020 8000 3049 4115 6002 АТБ "Савдогарбанк" МФО 00081 СТИР 302 126 734.

**Танлов савдолари ва танлов ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича мурожаат учун манзил:** Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 71-уй.

**Маълумотлар учун телефон:** 93-447-08-13.

**САВДОЛАРГА МАРҲАМАТ!**

00156 рақамли гувоҳнома.

# "Ifoda Universal Invest" МЧЖ

## бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида қайтадан ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига "Dori Darmon" АК бошқаруви йиғилишиининг 2020 йил 28 ноябрдаги 42-сонли баёни, "Dori Darmon HCP" МЧЖ ягона таъсисчисининг 2020 йил 28 ноябрдаги қарори, "Dori Darmon HCP" МЧЖнинг тегишли қарорларига асосан "Dori Darmon HCP" МЧЖга тегишли бўлган, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Ш. Рашидов кўчаси, 40-"А" уйда 8 қаватли бинонинг 1 қаватидаги бино ва ертўла қисмида жойлашган, **хоналар сони** – 10 та, **фойдали майдони** – 382,05 квадрат метр, **қурилиш ости майдони** – 470,0 квадрат метр, шундан, **бино майдони** – 238,0 квадрат метр, **ертўла қисми** – 232 квадрат метр бўлган дўкон бино-иншоотлари қўйилган.

**Бошланғич баҳоси** – 4 120 410 000 (тўрт миллиард бир юз йигирма миллион тўрт юз ўн минг) сўм

**Закалат миқдори** – 206 020 500 (икки юз олти миллион йигирма минг беш юз) сўм.

Аукцион савдо 2022 йил 11 апрель куни соат 11.00 дан бошлаб савдо ташкилотчиси – "Ifoda Universal Invest" МЧЖнинг Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 25-уйда жойлашган идорасида бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш юқоридаги манзилда ушбу эълон чоп этилган санадан бошланади ва 2022 йил 9 апрель куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Мулк 2022 йил 11 апрель куни сотилмаган ёки талабгорлардан аризалар тушмаган тақдирда такрорий савдолар 2022 йил 26 апрель, 9, 24 май, 9, 24 июнь ва 9, 23 июль кунлари бўлиб ўтади.

Мулкни мулк эгаси вакиллари иштирокида бевосита жойида бориб кўриш мумкин.

**Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчисига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:**

– **Ўзбекистон Республикаси фуқаролари** – паспорт нусхаси;

– **хорижий юридик шахслар** – уларнинг уставини белгиланган тартибда легализация қилинган нусхаси;

– **хорижий фуқаролар** – чет давлат миллий ёки дипломатик паспорти;

– **Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар** – яшаш гувоҳномаси нусхаси;

– закалат пули тўланганини тасдиқловчи тўлов ҳужжатининг нусхаси.

**Савдода қатнашиш истагини билдирувчилар савдо ташкилотчиси – "Ifoda Universal Invest" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига закалат пулини тўлашлари шарт:** 2020 8000 9049 3684 6001 АТБ "Ипак йўли банк" Наманган бўлими МФО 01054 СТИР 302 107 512.

**Манзил:** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 25-уй, Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Тўпақўрғон кўчаси, 165-уй.

**Телефонлар:** 99-823-30-10, 88-281-02-02.

**E-mail:** ifoda-universal@mail.ru

**Веб-сайт:** www.ifodauniversal.uz

*Хизматлар лицензияланган.*
*RR-0154-сонли лицензия.*

# "Муборакнефтегазмонтаж" АЖ

## АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Жамиятнинг Қашқадарё вилояти, Муборак шаҳри, 2-микрорайонда жойлашган манзилидаги мажлислар залида 2022 йил 8 апрель куни соат 10.00 дан бошлаб "Муборакнефтегазмонтаж" АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши маълум қилинади.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 2022 йил 4 апрель ҳолати билан тузилган.

**КУН ТАРТИБИ:**

1. "Муборакнефтегазмонтаж" АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши саноқ комиссиясининг сон ва шахсий таркиби ҳамда йиғилиш регламентини тасдиқлаш.
2. "Муборакнефтегазмонтаж" акциядорлик жамиятининг ички назорат тўғрисидаги Низомига киритиладиган қўшимчаларни тасдиқлаш.
3. "Муборакнефтегазмонтаж" акциядорлик жамиятининг акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисидаги Низомига киритиладиган ўзгаришларни тасдиқлаш.
4. "Муборакнефтегазмонтаж" акциядорлик жамиятининг бошқарув органи раҳбари ва аъзолари лавозимларига танлов ўтказиш тўғрисидаги Низомига киритиладиган қўшимчани тасдиқлаш.
5. "Муборакнефтегазмонтаж" акциядорлик жамиятининг кузатув кенгаши аъзолари таркибига ўзгариш киритилишини тасдиқлаш.
6. "Трубодеталь" унитар корхонасини "Муборакнефтегазмонтаж" акциядорлик жамияти таркибидан акциядорлик жамияти шаклида ажратиб чиқарилиши масаласи.

Умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш учун акциядорлар реестри 2022 йил 10 март ҳолатига тузилди.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2022 йил 4 апрель ҳолатига тузилади.

Акциядорларни рўйхатга олиш 2022 йил 8 апрель куни соат 9.00 дан бошлаб юқоридаги манзилда амалга оширилади.

Йиғилишга акциядорлар шахсини тасдиқловчи ҳужжат, акциядорларнинг вакиллари эса қўшимча белгиланган тартибда ишончнома билан келишлари шарт.

Акциядорларга тақдим этиладиган ахборот (материал)лар билан танишиш учун жамият акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизматига мурожаат қилиш мумкин.

**Тел.:** 98-274-21-16, 98-274-21-36, 97-229-12-73.

**E-mail:** mngm01@mail.ru, mngm07@mail.ru

Йиғилишда қатнашувчиларни рўйхатга олиш 2022 йил 8 апрель куни соат 9.00 дан соат 10.00 гача давом этади.

Акциядорлардан шахсни тасдиқловчи ҳужжат билан келишлари сўралади.

**"Муборакнефтегазмонтаж" АЖ кузатув кенгаши.**

# "Respublika mulk markazi" МЧЖ "Poytaxt filiali"

## бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Аукцион савдога "SITORA SARMOYA" МЧЖнинг 2022 йил 24 мартдаги 02-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2022 йил 26 январдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 156-"А" уй, "Чилонзор буюм савдо" комплекси, 36-айвон, 3-қатор, 5-дўкон, 5-қатор, 2-дўкон манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:**

| № | Гаров патта рақами | Заргарлик буюмлари номи | Бошланғич баҳоси, сўмда |
|---|---|---|---|
| 1. | 311 | Цепь 583 пр.; серьги с бел. кам. 583 пр. Общим весом 13,11 гр. | 5 556 750,00 |
| 2. | 313 | Цепочка паян. 583 пр. Общим весом 8,91 гр. | 3 738 750,00 |
| 3. | 331 | Серьги с бел. кам. 583 пр. Общим весом 3,00 гр. | 1 239 000,00 |
| 4. | 349 | Цепь 916 пр.; кольцо с бел. жемч. 750 пр.; кольцо с крас. кам. 750 пр.; цепь 583 пр. Общим весом 30,19 гр. | 15 631 500,00 |
| 5. | 352 | Серьги с гол. кам. и бел. кам. 583 пр.; кольцо с бел. кам. 583 пр. Общим весом 13,61 гр. | 5 784 000,00 |
| 6. | 368 | Цепь 583 пр. Общим весом 6,14 гр. | 2 602 500,00 |
| 7. | 420 | Кольцо с бел. кам. 583 пр. Общим весом 2,60 гр. | 1 725 416,00 |
| 8. | 483 | Серьги с разноцвет. кам., заст. слаб. 583 пр.; серьги с кр. кам. 583 пр.; колье штамп. 583 пр.; колье 583 пр. Общим весом 29,73 гр. | 12 505 449,00 |
| 9. | 491 | Кольцо с бел. гол. кам. 583 пр.; кольцо с бел. кам. 583 пр.; серьги с бел. кам. 583 пр. Общим весом 11,34 гр. | 4 799 250,00 |
| 10. | 559 | Серьги 583 пр. Общим весом 2,72 гр. | 1 163 250,00 |
| 11. | 562 | Браслет 583 пр. Общим весом 1,75 гр. | 708 750,00 |
| 12. | 564 | Серьги с голуб. кам. 583 пр. Общим весом 2,80 гр. | 1 163 250,00 |
| 13. | 584 | Кольцо с бел. зел. кам. 375 пр.; серьги с бел. зел. кам. 583 пр. Общим весом 6,10 гр. | 2 299 500,00 |
| 14. | 613 | Кольцо с бел. кам. 583 пр. Общим весом 3,82 гр. | 1 617 750,00 |
| 15. | 636 | Кольцо с кр. кам. 583 пр.; серьги с кр. кам. 583 пр. Общим весом 7,59 гр. | 2 831 164,00 |
| 16. | 640 | Серьги с бел. кам. 583 пр.; кольцо с кр. кам. 583 пр. Общим весом 6,36 гр. | 2 519 175,00 |
| 17. | 642 | Кольцо с бел. кам. 583 пр.; кольцо с бел. кам. 583 пр.; серьги с бел. кам. 583 пр.; браслет штамп. деф. 583 пр.; цепь с подвеск. с бел. кам. 583 пр. Общим весом 25,07 гр. | 10 632 000,00 |
| 18. | 667 | Кольцо с бел. кам. 583 пр.; кольцо с бел. кам. 583 пр.; кольцо с бел. кам. 583 пр. Общим весом 9,61 гр. | 4 041 750,00 |
| 19. | 687 | Кольцо с бел. кам. 583 пр.; серьги с бел. кам. 1 сер. слом. зам. слаб. 583 пр. Общим весом 6,00 гр. | 2 032 153,00 |
| 20. | 769 | Цепь 583 пр.; кольцо с крас. кам. 583 пр.; кольцо с бел. жемч. 583 пр.; серьги с бел. кам. и жемч. (2-кам. нет) 583 пр.; браслет 583 пр.; кулон 583 пр. Общим весом 22,35 гр. | 9 495 750,00 |
| 21. | 771 | Цепь 583 пр.; цепь 583 пр.; цепь 583 пр. Общим весом 37,67 гр. | 15 298 200,00 |
| 22. | 775 | Кольцо с бел. кам. 583 пр.; серьги с бел. кам. 583 пр. Общим весом 5,44 гр. | 1 977 259,50 |
| 23. | 787 | Кольцо с бел. кам. 583 пр.; кольцо с бел. кам. 583 пр. Общим весом 5,37 гр. | 2 299 500,00 |
| 24. | 798 | Серьги с зел. кам. 583 пр. Общим весом 3,97 гр. | 1 693 500,00 |
| 25. | 807 | Кольцо с бел. кам. 583 пр.; кольцо с бел. кам. 1 кам. нет 583 пр.; браслет порв.,1 фрагмент 583 пр. Общим весом 4,90 гр. | 2 072 250,00 |
| 26. | 821 | Цепь 750 пр.; кольцо 750 пр. Общим весом 6,61 гр. | 3 360 000,00 |
| 27. | 831 | Браслет погн. штамп. 583 пр. Общим весом 5,37 гр. | 2 299 500,00 |
| 28. | 916 | Кольцо с бел. кам. 583 пр. Общим весом 3,00 гр. | 1 239 000,00 |
| 29. | 979 | Кольцо без камня слом. 375 пр. Общим весом 2,11 гр. | 557 250,00 |
| 30. | 1017 | Кольцо с бел. кам. 583 пр.; серьги с бел. кам. 583 пр. Общим весом 5,76 гр. | 2 451 000,00 |
| 31. | 1027 | Кольцо с бел. кам. 583 пр.; кольцо с роз. кам. 583 пр. Общим весом 4,67 гр. | 1 878 330,00 |
| 32. | 1037 | Серьги 583 пр.; браслет 583 пр. Общим весом 6,77 гр. | 2 299 500,00 |
| 33. | 1042 | Кольцо с бел. зел. кам. 583 пр.; кольцо с зел. кам. 583 пр.; серьги с бел. зел. кам. 583 пр.; серьги 583 пр. Общим весом 16,27 гр. | 6 506 655,00 |
| 34. | 1084 | Серьги с зел. кам. 583 пр. Общим весом 4,43 гр. | 1 587 207,60 |
| 35. | 1128 | Браслет 583 пр.; серьги с бел. кам. заст. слаб. 583 пр.; кольцо с бел. кам. 583 пр.; кольцо с бел. кам. 583 пр. Общим весом 7,57 гр. | 2 925 134,40 |
| 36. | 1173 | Кольцо 583 пр. Общим весом 2,16 гр. | 936 000,00 |
| 37. | 1204 | Кольцо с бел. и син. кам. 583 пр.; серьги с бел. и син. кам. 583 пр. Общим весом 9,77 гр. | 6 702 064,75 |
| 38. | 1322 | Серьги с бел. сирен. кам. 375 пр. Общим весом 2,03 гр. | 525 435,00 |
| 39. | 1368 | Кольцо с бел. кам. 583 пр. Общим весом 2,62 гр. | 784 500,00 |
| 40. | 1394 | Кольцо с бел. кам. 585 пр.; кольцо с бел. сирен. кам. 583 пр.; серьги с бел. сирен. кам., заст. слаб. 583 пр.; серьги с бел. кам. зам слаб. погн. 583 пр.; кольцо с бел. кам. (1-го кам. нет) 583 пр. Общим весом 25,24 гр. | 11 919 750,00 |
| 41. | 1395 | Серьги с кр. кам. 583 пр.; кольцо с кр. кам. 583 пр.; кольцо погн. 583 пр.; кольцо с бел. кам. погн. 583 пр. Общим весом 11,17 гр. | 4 091 664,20 |
| 42. | 1458 | Кольцо с бел. кр. кам. 583 пр.; кольцо с бел. зел. кам. 583 пр.; кольцо с бел. зел. кам. 583 пр.; кольцо с бел. кам. 583 пр.; кольцо 583 пр.; серьги с бел. кам. 583 пр.; цепь 583 пр. Общим весом 19,18 гр. | 7 602 000,00 |
| 43. | 1508 | Цепь 583 пр. Общим весом 10,54 гр. | 4 496 250,00 |
| 44. | 1518 | Серьги с брил. 1 кам. нет 750 пр.; серьга с брил. 1 шт. 750 пр. Общим весом 9,81 гр. | 5 645 125,00 |
| 45. | 1547 | Цепь с кулоном 583 пр. Общим весом 4,06 гр. | 1 596 843,00 |
| 46. | 1592 | Кольцо с бел. кам. 2-х кам. нет 583 пр.; серьги с бел. кам. 15 кам. нет 583 пр. Общим весом 11,37 гр. | 4 799 250,00 |
| 47. | 1596 | Цепь 583 пр.; серьги 583 пр.; серьги 583 пр.; кольцо с бел. кам. 583 пр.; кольцо с бел. син. кам. 583 пр. Общим весом 14,20 гр. | 5 162 683,35 |
| 48. | 1619 | Кольцо 583 пр.; серьги с бел. кам. 583 пр.; серьги с крас. кам. 583 пр. Общим весом 9,19 гр. | 3 349 652,55 |
| 49. | 1638 | Цепь 583 пр.; кольцо с брил. оск. 583 пр.; серьги с брил. оск. 583 пр.; цепь с подвеской 583 пр.; кольцо с желт. кам. 583 пр.; серьги с бел. кам. 583 пр.; кольцо с бел. зел. кам. 583 пр.; кулон 583 пр. Общим весом 38,34 гр. | 15 007 320,00 |
| 50. | 1697 | Колье 583 пр. Общим весом 40,24 гр. | 15 105 037,50 |
| 51. | 1701 | Колье 583 пр.; браслет 583 пр.; кольцо с бел. кам. 375 пр. Общим весом 22,84 гр. | 8 966 005,00 |
| 52. | 1702 | Серьги с бел. кам. 583 пр.; серьги с бел. кам. 583 пр. Общим весом 6,92 гр. | 2 905 500,00 |
| 53. | 1714 | Кольцо 583 пр.; серьги 583 пр.; серьги с бел. кам. 583 пр. Общим весом 9,11 гр. | 3 398 587,05 |
| 54. | 1735 | Кольцо 583 пр.; кольцо обр. 583 пр. Общим весом 9,21 гр. | 3 546 163,20 |
| 55. | 1751 | Цепь+кулон 583 пр.; обруч 583 пр.; серьги 583 пр.; серьги с крас. кам. 583 пр.; серьги с крас. кам. 583 пр.; серьги с бел. зел. кам. 583 пр.; кольцо с цвет. и бел. кам. 583 пр.; кольцо с бел. кам. 583 пр.; кольцо с бел. зел. кам. 583 пр. Общим весом 36,61 гр. | 15 555 750,00 |
| 56. | 1765 | Браслет от часов с брилл. оскол.+крышка 583 пр.; кольцо с бел. кам. 583 пр.; кольцо с бел. кам. 583 пр.; кольцо с бел. кам. 583 пр.; серьги с бел. кам. 583 пр. Общим весом 29,36 гр. | 12 450 000,00 |
| 57. | 1787 | Колье с бел. зел. кам. 583 пр.; кольцо с бел. зел. кам. 583 пр. Общим весом 16,65 гр. | 7 071 750,00 |
| 58. | 1848 | Серьги 583 пр.; серьги 583 пр. Общим весом 5,74 гр. | 2 223 750,00 |
| 59. | 1882 | Серьги с бел. кам. 583 пр.; кольцо с бел. кам. 583 пр. Общим весом 5,59 гр. | 2 375 250,00 |
| 60. | 1894 | Цепь 583 пр. Общим весом 5,31 гр. | 2 223 750,00 |
| 61. | 1897 | Серьги 583 пр. Общим весом 2,54 гр. | 993 044,80 |
| 62. | 1914 | Кольцо 583 пр. Общим весом 2,66 гр. | 1 016 163,70 |
| | **Жами бошланғич баҳоси** | | **290 980 682,60** |

Аукцион савдолар **2022 йил 11 май** куни соат 10.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2022 йил 6 май куни соат 18.00 гача.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари **2022 йил 11 май** куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2022 йил 25 май, 8 июнь кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилиш бир иш куни олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ХАТБ "Давр банк" Яккасарой филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт:** 2260 4000 5005 7145 2002 МФО 01069 СТИР 200 933 850.

**Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-"А" уй.

**Телефон:** 71-237-23-96.

**Расмий веб-сайт:** www.rmm.uz

*001805 рақамли гувоҳнома.*

НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР

# ФУТБОЛ МАЙДОНИ ВА ТРИБУНАЛИ СТАДИОН

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири



**Футбол майдони ва трибунали стадион (ёрдамчи хоналари билан) намунавий лойиҳаси буюртмачиси:** Ўзбекистон Республикаси спортни ривожлантириш вазирлиги "Спорт объектлари инфратузилмасини ривожлантириш инжиниринг компанияси" Давлат унитар корхонаси.

**Қурилиш конструкциялари ва маҳсулотлари:** пойдеворлар лентасимон. Ташқи деворлар 380 мм ва ички деворлар 120 мм қалинликдаги ғиштдан. Том ёпмаси металл фермалардан иборат. Том қисми 60 мм қалинликдаги (2 қават руҳланган "оцинкованный" қалинлиги 0,5 мм ли темир листдан) ёнмайдиган базальт типидаги минерал толали сендвич панелидан иборат. Зиналар темир-бетон. Поллар керамик плита, ламинат ва бетондан. Деразалар пластик (кўп камерали профиль), стеклопакетлар билан тўлдирилган. Эшиклар МДФ, темир эшик, алюмин профиль.

**56,7х13,54 метр ўлчамдаги футбол майдони ва трибунали стадион (ёрдамчи хоналари билан) намунавий лойиҳаси қуйидагиларни ўз ичига олади:** футбол майдони, кийиниш-ечиниш хоналари, ўтиш йўлаклари, мураббийлар, ҳакамлар хоналари, техник хоналар, ҳожатхоналар, ювиниш хоналари, тиббиёт пункти, қоровулхона, электрошит хонаси ва ўтказиш тармоғи хонаси. Трибуна қисми 3 секторга бўлинган. Яна у ерда шарҳловчилар хонаси ва VIP ҳудуд жойлашган.

Бино замонавий муҳандислик ва технологик жиҳозлар билан таъминланган.

**Бинонинг ички пардози:** деворлар қум-цемент аралашмали сувоқ, шпатлевка, сувли эмульсияли бўёқ, мойли бўёқ, керамик плиткалар (ювиниш хонаси ва ҳожатхоналарда). Поллар керамик плита, ламинат, бетон қопламали. Хоналарнинг шифтларига гипсокартон, шпатлевка, оч рангдаги сувли эмульсияли бўёқ, пластик рейка, мойли бўёқ ишлатилган.

**Бинонинг ташқи пардози:** бино ташқи пардозлаш қопламалари сифатида узоқ муддатлиликни ва қулайликни таъминловчи замонавий қурилиш материаллари қўлланилган. Цоколь қум-цемент қоришмаси билан терилган гранит плиткадан иборат. Деворлар сендвич панель, деразалар пластик (кўп камерали профиль), стеклопакетлар билан тўлдирилган. Эшиклар МДФ, темир эшик, пластик, альюминдан, парапет алюкобонддан иборат.

Лойиҳада одамларни бинодан хавфсиз равишда чиқиб кетиши (эвакуация)ни таъминлаш мақсадида ва ёнғинга қарши барча чора-тадбирлар кўрилган. Бинода барча сантехника ва муҳандислик жиҳозлари элементлари назарда тутилган. Оқова сув тармоғи, иссиқ сув, совуқ сув, вентиляция, ёнғинга қарши сигнализация, видео кузатув мосламалари кўзда тутилган.

**Техник иқтисодий кўрсаткичлар:**
умумий майдон – 953,2 квадрат метр;
қурилиш майдони – 834,7 квадрат метр;
қурилиш ҳажми – 0,000 дан юқори қисми 1052,5 квадрат метр.

**Атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш:** футбол майдони ва трибунали стадион (ёрдамчи хоналари билан) намунавий лойиҳаси ўзининг функционал характеристикаси бўйича атроф-муҳит учун зарарли таъсири йўқ. Ер ишларини бошлашдан олдин тайёргарлик ишларини ўтказиш лозим. Муҳандислик коммуникацияларини ўтказиш ва пойдевор ётқизиш учун чуқур (котлован) қазишдан олдин ернинг ҳосилдор тупроқ қисмини эҳтиёткорлик билан алоҳида бир жойга тўплаб қўйиш керак. Тўпланган унумдор тупроқ майдонни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида ишлатилади.

**Иссиқлик ва шамоллатиш тизими:** намунавий қўллаш учун ташқи ҳавонинг ҳарорати қиш мавсумида tн = -140С. Иссиқлик манбаи сифатида газда ишлайдиган иситиш қозони ишлатилади. Иссиқлик ташувчи сувнинг ҳарорати Тпод = 950С, Тобр = 700С. Иситиш тизими горизонтал, бир қувурли, полипропилендан. Иситиш жиҳозлари сифатида биметалл радиаторлари ишлатилади. Ҳавони чиқариш учун радиаторларни тепа қисмига ўрнатилган ҳаво чиқарувчи махсус жўмраклардан фойдаланилади. Сув қувурлари пенополиэтилен плёнкалари билан ҳимояланади. Лойиҳада бинонинг ҳавосини алмаштириб, тозалаб туриш учун табиий ва механик қурилмалардан фойдаланилади.

**Сув таъминоти ва оқова сувлар (канализация) бўйича ечимлар:** тупроқнинг чўкувчанлик бўйича хоссалари – чўкувчан эмас. Сув тармоғи системаси ички сув тармоқлари қувурларига уланади. Сув сарфини текшириб туриш учун сув ўлчагич асбоблари ўрнатилади. Ички сув тармоқлари қувурлари полипропилен қувурлардан лойиҳалаштирилган. Иссиқ сув таъминоти қозонхона орқали ташкил этилади. Оқова сувларни чиқариб юбориш учун ички қувурлар таъминоти тармоғи кўзда тутилган. Оқова сувлар қувурлари ПВХ қувурлардан лойиҳалаштирилади.

**Электр таъминоти:** ишончлилик даражаси бўйича III тоифага киради. Электр таъминотида светодиодли энергия тежамкор лампалардан фойдаланилади. Лойиҳада авариявий ёритиш тизими ишлатилган. Ёритиш чироқлари, розеткалар, хоналарни шамоллатиш ва кондиционерлар симлари ВВГ нг-660 русумида бўлиб, ПВХ гофрақувурлари орқали девор ва шифт қисмларидан ўтказилади. Ёқиб-ўчиргичлар пол сатҳидан 0,9 метр баландликда ўрнатилади. Розеткалар эса 0,8 метр баландликда ўрнатилади (айрим кўрсатилганлардан ташқари). Электр тармоқларини лойиҳалашда белгиланган меъёр талаби қўлланилади. Электр токидан ҳимоялаш учун улар ерга уланган ҳимоя қилувчи сим ёрдамида уланади.

**Асосий кучланишли жиҳозларга қуйидагилар киради:** назорат қилиш жиҳози, ёнғиндан огоҳлантирувчи, қўнғироқлар чалувчи автомат, нутқий огоҳлантириш системаси, кондиционерлар, персонал компьютерлар ва ҳоказолар.

**Паст кучланишли жиҳозлар:** лойиҳада ёнғин сигнализацияси ва ёнғиндан огоҳлантириш қурилмаларини ўрнатиш кўзда тутилган. Ёнғин сигнализацияси асбоблари ёнғинни ўз вақтида аниқлайдиган ва уларни ўрнатилишини таъминлайдиган "Гранд МАГИСТР-4" қурилмасидан иборат. У бинонинг қоровулхона қисмига ўрнатилган. Асбобнинг электр таъминоти 220 В ли ўзгарувчан ток орқали аккумуляторлар ва авариявий шит орқали олинади. Ёнғиндан қўриқлаш ускуналари КСПВ-2х0,5 симлари девор ва шифтлар орқали уланади. ИПР типидаги огоҳлантирувчи қурилмалар эвакуация йўлларида пол сатҳидан 1,5 метрдан кам бўлмаган баландликда ўрнатилади. Ёнғин ҳақида огоҳлантириш тармоқлари d=25 мм.ли винипласт трубаларда ўтказилади. Эвакуацияни бошқариш ва ёнғиндан огоҳлантириш системаси (СОУЭ) ШНК 2.04.09-07 меъёрлари асосида бажарилган. Лойиҳада СОУЭ 3 типли-овозли огоҳлантириш мосламаси ҳам кўзда тутилган. Бино бўйлаб қуввати 3 ва 6 Вт ли овозли мосламалар ўрнатилган.

**Ўрнатиш бўйича умумий кўрсатмалар:** ускунадан деворгача 4,5 метр масофа бўлиши керак. Ускуналарнинг бир-бирини ораси 9 метр бўлиши лозим. Тутундан огоҳлантирувчи ускунани ўрнатишда қуйидагиларни ҳисобга олиш керак: ускунадан вентиляция тешигигача бўлган оралиқ масофа 1 метрдан кам бўлмаслиги ва ёритиш жиҳозларидан камида 0,5 метр бўлиши керак. Қўлда бошқариладиган огоҳлантирувчи ускуналарни полдан 1,5 метр баландликда ва эшикнинг ён томонидан 0,5 метр узоқликда ўрнатиш лозим.

**Кузатув мосламаларини лойиҳалаштиришда қуйидагилар татбиқ қилинади:** Видеомонитор LG W2243S; Видеорегистратор PVDR-A4-16M2 v.1.4.1ss.

**Объектда қуйидаги видеокамераларни ўрнатиш лозим:** ташқи ва ички камералар "HIKVISION". Ўтказиш кабели сифатида ККПВ 4х2х0,52 $мм^2$ ишлатилади. Симлар бино ичидан очиқ ҳолда деворлар орқали ПХВ Ф20 мм гофралари орқали ўтказилади. Узлуксиз ишлашни таъминлаш учун UPS асбобини қўйиш тавсия этилади. Асбоб-ускуналарни йиғишда, техникавий хизмат кўрсатишда электр таъминотидан узилган ҳолда бўлиши лозим. Темир қобиқларни ерга улаш лозим.

**Лойиҳа ташкилоти:**
"POWER BUILD CONSTRUCTION" МЧЖ.

# Икки ҳудудни боғловчи қурилиш бозори

**Ислом ИБОДУЛЛА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Йўл-йўлакай Тошкентга келган меҳмон билан дучлашдим.**

**– Бу ернинг номи нима, ўғлим?**

**– Экобозор...**

**– Пойтахтга келмаганимга ҳам кўп бўлди, – деди бошини сарак-сарак қилиб. – Аввалари бу ерлар ташландиқ жой бўларди. Қара-я, буткул ўзгариб кетибди.**

**Меҳмон лунжи учиб кулган бўлди. Ҳақиқатан-да, пойтахтда "Экобозор" десангиз билмайдиган киши кам топилади. Эндиликда мазкур бозор-шоп объектларининг ёндош ҳудудида яна бир савдо, маиший хизмат кўрсатиш офислари тармоғи – улкан қурилиш материаллари бозори бунёд этилади.**

Замонавий савдо-сотиқ объектларининг қурилиши нега муҳим?

Албатта, бугунги шиддатли даврда ҳар бир соҳа ислоҳот ва ўзгаришларни талаб этади. Хусусан, бу ўринда савдо-сотиқ объектларининг шакл-шамойилини ўзгартириш, сотувчи ва харидорлар учун қулай савдо муҳитини яратиш давр талаби бўлмоқда.

Бозор маданияти халқимизнинг энг қадим қадриятларидан бири. Кўп йиллар давомида бозорларимиз шарқона шовқин-сурони, гавжумлиги билан диққат марказида бўлган. Ҳозир ҳам йирик шаҳарларимиздан тортиб, кичик қишлоқларимизгача эски бозор кўринишлари-ю, анъаналарини ўзида сингдирган савдо-сотиқ муносабатлари сақланиб қолган. Замонавий даврда, албатта, бу каби бозорларнинг кўринишини ўзгартириш асосий ўринда бўлмоқда.

Ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси юқори, шинам ва санитар-гигиеник талабларга мос келувчи олди-сотди марказларини қуриш сифатли савдо тарзини яратишда муҳимдир. Жумладан, Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида бундай объектлар сони йил сайин ортиб бормоқда. Ўтган даврда туманда замонавий экобозор, йирик маиший техника ва кийим-кечак бозор-шоплари қурилган эди. Жорий йилнинг сўнггига қадар ҳудудда янги қурилиш материаллари дўконлар тармоғи қурилади. "Oil gaz equipment servis" МЧЖ буюртмасига биноан тикланётган мазкур иншоотнинг қурилиши 2020 йил бошланган.

– Туманнинг Темур Малик ва Мирзо Улуғбек кўчалари кесишмасида ҳақиқий савдо муҳити шаклланмоқда, – деди қурилиш ташкилоти мутахассиси Жаҳонгир Абдуллаев. – Бу ердаги шинам қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозори, мебель ва маиший товарларнинг харид марказлари ҳудуднинг кўринишини буткул ўзгартирди. Эндиликда "Oil gaz equipment servis" корхонаси томонидан қарийб беш гектар майдонда йирик қурилиш моллари бозори барпо этилмоқда. Ўйлаймизки, мазкур бозорнинг қурилиши бевосита Тошкент шаҳри, балки Тошкент вилоятининг қурилиш эҳтиёжларини таъминлашга хизмат қилади. Мазкур савдо марказида 500 га яқин дўконлар тармоғи ташкил этилиб, объект қурилишининг сўнгги босқичларида ижара дўконлари савдога чиқарилиши белгиланган.

Қурилишда асосан маҳаллий материаллардан фойдаланилмоқда. Хусусан, "Durable beton" корхонасининг сифатли бетон маҳсулотлари иншоотнинг тикланишида асосий ўринни эгалламоқда. Шунингдек, "O'zmetkombinat" АЖ ва бошқа корхоналарнинг металл маҳсулотларидан кенг фойдаланилмоқда. Бўлажак қурилиш материаллари бозорида йирик автотураргоҳ ҳамда кўнгилочар майдонлар ҳам барпо этилади.

Бу каби бозорларнинг географик қулай ҳудудларда барпо этилиши эса, албатта, аҳолига кўплаб қулайликлар беради. Мирзо Улуғбек тумани пойтахтни Тошкент вилоятининг шимоли билан боғловчи кўприкдир. Мазкур қурилиш материаллари бозор-шопининг қурилиши икки ҳудуднинг архитектуравий ривожланишига хизмат қилади.

"Qashqadaryo texnologik transport" AJ

**2022 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича тузилган молиявий ҳисоботларини Аудит миллий стандартлари ҳамда Халқаро аудит стандартлари асосида ташқи аудит текширувидан ўтказиш бўйича ТАНЛОВ БОШЛАНГАНИ ҲАҚИДА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!**

Танловда қатнашмоқчи бўлган аудиторлик ташкилотлари 2022 йил 29 мартдан 11 апрелга қадар жамият бошқарув кенгашига ўз тижорат таклифларини тақдим этишлари лозим.

**ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР:**

– аудит ташкилотининг ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи, почта манзили, телефон алоқа рақами тўғрисидаги маълумотлар;

– лицензиялар, раҳбар имзоси ва ташкилотнинг муҳри, суғурта полиси, давлат рўйхатдан ўтгани тўғрисидаги гувоҳнома билан тасдиқланган нусхалари;

– шартнома предмети, ариза берувчининг юридик шахслар фаолиятининг умумий аудитини ўтказиш тажрибаси. Устав капиталида давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотларнинг молиявий ҳисоботларини мажбурий текширишларининг сонини кўрсатган ҳолда раҳбарнинг имзоси ва аудит ташкилотининг муҳри билан тасдиқланган тижорат таклифи;

– раҳбар имзоси ва ташкилот муҳри билан тасдиқланган ҳужжатлар, жумладан мутахассисларнинг таркиби ва малакасини тасдиқловчи ҳужжатлар, аудиторлик ташкилотида меҳнат шартномаси бўйича ишлайдиган халқаро ва бошқа сертификатларга эга бўлган ходимлар сони;

– аудит ташкилоти томонидан аудиторлик хизматларининг нархини кўрсатган ҳолда молиявий ҳисоботларнинг мажбурий аудити тақдим этиш тўғрисида имзоланган шартнома лойиҳаси.

**Юқорида кўрсатилган ҳужжатлар, аризалар конвертда қуйидаги манзилга юборишлари лозим:** Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Косон тош йўли, 16-уй.

**Почта индекси:** 180100, а/я-17. СТИР 201 560 065.

**Тел./факс:** 99-750-26-00, 75-780-85-42.

**Электрон почта:** qashqadaryotextrans@mail.ru, qatt00@mail.ru

**Бошқарув кенгаши.**

## ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

**Март ойининг охирги кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Мурожаатлар билан ишлаш бўлими бошлиғи **Улуғбек Раҳимов,** "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК етакчи мутахассиси **Раҳим Худойбердиев,** Қурилиш соҳасида давлат харидларини методологик таъминлаш ва мувофиқлаштириш бошқармаси етакчи мутахассиси **Анна Караматова,**

Андижон вилояти, Хонобод шаҳар қурилиш бўлими бошлиғи – бош архитектори **Баҳодир Джоробаев,** шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этилиши назорати бўйича архитектор **Акмалжон Жўраев,** Бўстон тумани қурилиш бўлими бошлиғи – бош архитектор **Нодирбек Камолов,**

Бухоро вилояти қурилиш бош бошқармаси шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этилиши назорати бўйича бош мутахассис **Умид Раҳматов,** Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси лаборатория бош мутахассиси **Умиджон Шокиров,**

Қорақалпоғистон Республикаси, Бўзатов тумани қурилиш бўлими бошлиғи – туман бош архитектори **Айдос Ниетуллаев,**

Сирдарё вилояти қурилиш бош бошқармаси бошлиғи **Азиз Худайназаров,**

"Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК Сурхондарё вилояти филиали етакчи мутахассиси **Жуманазар Гулбоев,**

Тошкент вилояти қурилиш бош бошқармаси иш юритувчи котиба **Малика Зияева,** "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК Тошкент вилояти филиали мутахассиси **Сорабону Умматалиева,**

Хоразм вилояти, Тупроққалъа тумани қурилиш бўлими шаҳарсозлик қонунчилигига риоя қилинишини назорати бўйича архитектор **Темур Азодов,** Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими етакчи мутахассис **Дониёр Явбасаров,** Қурилиш-синов лабораторияси ва бино-иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими лаборант-техник **Шуҳрат Қадиров,** Буюртмачилар билан ишлаш бўлими етакчи мутахассиси **Жанона Исмоилова,**

"O'zbekiston bunyodkori" ижтимоий-иқтисодий газетаси Самарқанд вилояти бўйича мухбири **Ҳамза Шукуров**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик,
узоқ умр, оилавий хотиржамлик,
мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Козим Туляганов,
Эркин Искандаров,
Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов,
Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри,
Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:**
71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-05-15 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** uzbunyodkori@umail.uz

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-590-37-15.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-705-50-15
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 90-553-02-34.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сурхондарё вилояти:** 91-981-61-63.
**Фарғона вилояти:** 90-230-85-23, 90-163-63-82.
**Қашқадарё вилояти:** 99-503-43-39.
**Хоразм вилояти:** 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-343.
2333 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – А. Ҳақбердиев.

**Навбатчи** – Р. Хўжаева.

ЎзА якуни – 22.08.
Топширилди – 23.40.

1 2 3 4 5 6